

*Сулаймон ШОДИЕВ*

# **ОРЗУ БЕКАТИ**

**(Шеърлар)**

**“БУХОРО” нашриёти. 2006 йил.**

84(54) 6-5 ВЭДИИ ЭДЭОЧЕТ

## ШЕЪРЛАР

Ушбу китобни устоз Топпўлат Аҳмад, болаликдан  
дустим, таниқли геолог Уктам Еров, синфдошларим  
ва ҳамқишлоқларимга меҳр билан бағишлайман.

МУАЛЛИФ.



*Муганний чалгандек билган куйини  
Шеър ёздим қуввайи имқоним қадар.  
Гоҳо мафтун этди сўзлар уйини,  
Гоҳо ўздан кетиб, бўлдим мусаххар.*


*Гоҳо ожиз қолди фикратим, ақлим  
Инжа ташбеҳларга келганда утру.  
Дедим: мендан шоир чиқмайди балким,  
Ғалат бу ҳаяжон, ажаб бу қўрқув...*

*Балки муқаллидман, балки ўткинчи—  
Ҳаваслар домига тортиб бормоқда.  
Эй дўстлар, мени ҳам ўқиб кўринг-чи,  
Шеър қайда, мен фақир қайси пучмоқда.*

*Шеър— шоир қалбининг суврати дерлар,  
Булар сийратимми ва ё сувратим  
Нега улар менинг ичимни ерлар,  
Ва нега олулар жоним, қувватим?*

*Эҳтирос— алдамчи, деганди бир дўст,  
Бирда инонмадим, бирда тан бердим.  
Лекин эҳтиросдан туғилмаса сўз,  
Эй дўст, кимга керак бундай сўз, дедим.*

*Ёздим, ёзавердим юмиб кўзимни,  
Билмадим: ўзимми, сўзим ўткинчи.  
Мен-ку мақтамайман унча ўзимни,  
Аммо шеъримни бир ўқиб кўринг-чи.*



10 32048  
291

# 1. ҚУЁШ КУЛСИН ЧЕХРАЛАРДА

## ЎЗБЕГИМ

(ФАХРИЯ)

*Муаллим Истам ЭШОНҚУЛОВ  
хотирасига бағишланади.*

Бу дунёда миллат кўпдир,  
Элатларнинг саноғи йўқ.  
Биттасида Ватан йўқдир,  
Биттасининг байроғи йўқ.  
Дунё-да бу— турфа-турлик,  
Ажойибот, олақуроқ,  
Улар ичра Турон юртлик  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Сўз бошласам аввалидан,  
Дунё каби қадим ўзи.  
Гул унади қадамидан,  
Қуёш манглай, кулча юзли.  
Келганга қанд-қурсин тутган,  
Кўтармаган аввал яроғ.  
Ҳотамга ҳам ундан ўтган,  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

У чордона қурса агар  
Бир тиззаси Сирга етар,  
Бир тиззаси Аму ювган  
Далаю дашт, қирга тегар.  
Ёнбошласа— болиш бўлар  
Балки Чотқол ё Боботоғ.  
Турса— боши кўкка етган  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Кўли тегса луч дона ҳам  
Тошни ёриб, униб чиқар,  
Жазм қилса, дўппи билан  
Юлдузни ҳам уриб йиқар.  
Ҳол сўрашса— уйдан бошлар:  
Уруғ-аймоқ, бўта—тайлоқ,  
Ўзгаларга ўхшамаган  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Яланг тўшин куриб дерлар:  
Қолоқми ё дангасами?  
Лекин ундан сўрасинлар  
Риёзиёт, ҳандасани.  
Фалсафанинг отаси у,  
Кимдан ортда қолган атроқ?\*)  
Камтаринга— камол, деган  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Кўда кетса кузда қайтар  
Пахтақайнар даласидан,  
Ғўзалари ором олар  
Оналарим алласидан.  
Ғўзаси ҳам боласидай,  
Шундан билмас ҳориш--чарчоқ...  
Эгатларда тунаб чиққан  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Уч-тўрт курмак—сояпарвар  
Мешвойларни олмаганда,  
Бундай сахий, меҳнатсевар  
Эл топилмас бу оламда.  
Куруқ қолмас ўшалар ҳам,  
Хирмонидан бергай машоқ.  
Кўзи ҳам тўқ, кўнгли ҳам тўқ  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Дунё тўкин, тинч бўлсин деб  
Топганини улашади,  
Унинг феълин билмаганлар  
Балки бироз кулишади.  
Кулганлари кулаверсин,  
Тенг эмас-ку бешта бармоқ.  
Жимжилоқда тоғни тортган  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

У тўй қилса торлик қилар  
“Пахтакор”нинг ўйингоҳи,  
—Бу тўй эмас,—дейди кўрган,—  
Бу халқаро сайл чоғи!  
Фақат уч-тўрт қўшни билан  
Димоғини айламас чоқ,  
Шодлигини сочқи қилган  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

БМТда байроғи бор,  
У ҳеч кимдан қолишмайди,  
Қитиғига тегмасалар  
Олишмайди, солишмайди.  
Оғир тошнинг ўрни тайин,  
Балки шундан эмас тарқоқ,  
Муштин битта ерга қўйган  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Ўтмишини унутмайди,  
Лойқалатмас хулосани,  
Шунинг учун Тангри унга  
Берган сабр, муросани.  
Ўтган-кетган яхши-ёмон  
Арвоҳларга ёқар чароғ.  
Душманга ҳам ғаюри йўқ  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Бир мўъжиза бўлса агар  
Ўша маним ўзбагимдир,  
Юз бўлса ҳам биттасини  
Ўзбагим, деб қўзлагумдир.  
Битта шеърда таърифини  
Келтирайин сизга қандоқ.  
Сигмас неча дostonларга  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Битта дoston Бухорою  
Битта дoston Самарқандим,  
Тинглаганда эриб кетар  
Юрак-бағрим, банд-бандим.  
Ҳайрат тўла мақомлари,  
Бу не ҳасрат, бу не фароғ!  
Гоҳ муганний, гаҳи меъмор  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Бахтим шуки, у манимдир,  
Ширмойгинам, оппоғим у,  
Онам, азиз тутгин, деган  
Бошимда тож — попоғим у.  
Бир у мени болам дегай,  
Оҳ, бунчалар меҳри қайноқ,  
Оҳ, шунчалар сеҳри билан  
Ўзбегим сал бошқачароқ.

Бир тилагим: у бор бўлсин,  
Турсин дунё тургунича,  
Яйраб ўссин, яшнаб ўтсин  
Давру даврон сургунича.  
Мен--ўткинчи, дали-ғули  
Битта сўзда туриб ҳар чоқ  
Сас берурман мозийдан ҳам:  
“Ўзбегим сал бошқачароқ!  
Ўзбегим сал бошқачароқ!!!”

\*) Атрок-турклар.

### ВАТАНГА ҚАСИДА

Ватан, десам юрагим бир яйраб кетар,  
Кувончларим сифмай қолар дунёларга.  
Ухлаганлар балки буни англамаслар,  
Шодлигимни айтай, дейман уйғоқларга.

Ватан, десам қадим туркий томиримда  
Нималардир инжа-инжа ўйнаб кетар.  
Кўзларимнинг қирғоғида қатор -қатор  
Киприк эмас, майса битар, чечак битар.

Ватан, десам ўйлар келар тотли-тотли,  
Қанотида чаманларнинг ифорлари.  
Қуёш битар шеърларимнинг сарлавҳасин,  
Қизгалдоқлар—қирларимнинг шиорлари.

Бунда менинг отам ётар тупроқ бўлиб,  
У кўкларга боши етган чинор эди.  
Хотиралар гоҳ яқин, гоҳ йироқ бўлиб,  
Томиримда қоним бўлиб оқар энди.

Энди онам тушларимга кириб чиқар,  
Капалаклар қанотида руҳи яшар.  
Хотиралар гоҳ яқин, гоҳ йироқ бўлиб,  
Гоҳ элитар, гоҳ жонимни ўтга ташлар.

Балки оға бўлолмайди менга Ватан,  
Аммо уни оғушида олиб ётар.  
Хотиралар гоҳ яқин, гоҳ йироқ бўлиб,  
Ёна-ёна тонгим отар, куним ботар.

Сенга жоним берай, деган жўраларим  
Қаторида бўш жой кўриб кўнглим чўқар.  
Хотиралар гоҳ яқин, гоҳ йироқ бўлиб,  
Бошим узра чўнг тоғларнинг қорин тўқар.

Ватан нима?  
Саногӣ йўқ қабрларда  
Ялтираган тош-мармарлар юзи— Ватан!  
Ватан нима?  
Адоғи йўқ қабрларда  
Майса унмай ётган тупроқ-тузи — Ватан!

Водийларда шамшир каби дарё-сойлар,  
Тоғларида булоқларнинг кўзи— Ватан!  
Саратонда жимир-жимир ҳовурлару  
Қовунларни тирсиллатган кузи— Ватан!  
Қаҳратонда пастаккина бўғотимда  
Саф тортишган сумалаклар музи— Ватан!  
От кишнаган яйловлари, тақирлари,  
Тўрғайларин англаб бўлмас бўзи— Ватан!  
Шоирлари Машраб бўлиб куйлаганда  
Юракларни ялаб ўтган сўзи— Ватан!  
Айтаверсам, адо бўлмас айтимларим,  
Минг йилларки, дерлар: “Нима ўзи Ватан?!”

Фанимларнинг найзасида ҳилпираган  
Боболарим кўйлаги у, қонга ботган.  
Армонларда кетганлари ҳеч бўлмаса  
Пайхон қилган, ҳеч бўлмаса тепиб ўтган.

Нодиранинг ноласи у, Қодирийнинг  
Ёш томчилаб турган қора киприги у.  
Бақоси йўқ бу тўрт кунлик дунёдаги  
Миллатимнинг ўлиги у, тириги у.

Пешонам у ярақлаган ва ё хира,  
Елкам оша йиглаб турган кечам менинг.  
Шу-да, дейман, ачинмайман сира-сира,  
Гиналарга тобим йўқдир ҳечам менинг.

Ватан, десам андуҳларим тарқаб кетар,  
Шунинг ўзи бас-да, яна нима керак.  
Эрмак учун шеър ёзаман гоҳо, лекин  
Ким Ватанни эрмак қилса деманг эркак.

Ватан, десам инсонлигим ёдга тушар,  
Юрак эса гўдак бўлиб қувонадир.  
У отадир—вужудингга нурдай кўчар,  
У онадир— шунинг учун ягонадир.

Ватан, десам...  
Тилларимда, шеърларимда  
Гарчи бу сўз янграб турмас эрта-ю кеч,  
У яшаса қонларимда, терларимда,  
Айтинг, ортиқ бирор таъриф керакми ҳеч?

Ватан, десам юрагим бир яйраб кетар,  
Билмам, буни қандай қилиб баён этсам.  
Менга басдир огушидан айрилмайин  
Йиғлабми ё қувнабми ё Ватан, десам!

Ватан, десам...

\* \* \*

Гулгун саҳар.  
Бошланмоқда янги бир кун,  
Бошланмоқда янги ҳавас, янги тўлқин.  
Мен дейманки, қутлуғ бўлсин қадамлари,  
Янги орзу тарк этмасин одамларни.  
Яна дейман: ҳар чеҳрада қуёш кулсин,  
Уйида ҳам, йўлида ҳам қуёш бўлсин.  
Файз кетмасин кундузлару кечалардан,  
Юрса, йўли тўлсин гулу чечаклардан.  
Яна дейман: бу тўрт кунлик дунё ўзи,  
Қувончларга қалби тўлсин, тўйсин кўзи.  
Кимки ташна бўлса агар нур—ёгдуга,  
Яхши ният билан етсин муродига.  
Яна дейман: инмасин ҳеч гам дилига,  
Йўлга чиққан омон етсин манзилига.  
Бир-бирига илингани кулгу бўлсин,  
Яхшилари давраларнинг гули бўлсин.  
Дейман яна: қувнасин эл, қувнасин ер,  
Она-Қуёш, Ер юзига қувончини бер.  
Шўх сайрасин булбуллар, ҳам майса унсин,  
Шабнамлардан маржон тақиб майса кулсин.  
Яна дейман: бир эл борки, меҳнатсевар,  
Ўз тақдирин қўли билан бунёд этар.

Шуни ҳам бир манглайдан ўпиб қуйгин,  
Елкасига нурларингдан селиб утгин.  
Ва дейманки: бордир яна бир тилагим,  
Ватаним бу—онам менинг ҳам юрагим.  
Омон бўлсин то бор экан Еру осмон  
Онажоним, жонажоним Ўзбекистон.  
Яна не дей, айтаверсам ҳад бўларми,  
Сулаймонга бундан ортиқ бахт бўларми!

### ҲАЁТ

Гоҳ исми йўқ бир дард эзар  
Юрагимни,  
Гоҳ билмайман қайда кезиб  
Юрганимни.  
Заминдами, осмондами,  
Денгизда ё,  
Хаёлларим— тиним билмай  
Оқар дарё.  
Қачон келдим бу дунёга,  
Нима қилдим?  
Яшамоқнинг маъносини  
Қачон билдим?  
Элга нафим тегдими ё  
Тегмадими?  
Ҳалол меҳнат билан белни  
Эгмадимми?  
Юрмадимми кимларга бир  
Соя бўлиб,  
Турмадимми қуруқ савлат—  
Қоя бўлиб?  
Ҳозирим бу—ҳузурим, деб  
Яшадимми,  
Ишламайин тотли-тотли  
Ошадимми?  
Бир чумоли мендан озор  
Чекмадими,  
Мени деб бир инсон кўз ёш  
Тўкмадими?  
Ором бермас менга шундай  
Хаёлларим,  
Оҳ, ўзимдан ўзимга кўп  
Саволларим.  
Шундай кезлар юрагимдан  
Келар бир сас:

— Сен ўзингни беҳудага  
Қийнама, бас.  
Бас, ўйловинг бор эканки,  
Қийналасан,  
Юрагингни нега бунча  
Қиймалайсан?  
Ўйлаяпсан, англаяпсан—  
Тирикдирсан,  
Демак, ҳали кимларгадир  
Керакдирсан.  
Бу дунёга кимлар келиб,  
Кимлар кетмас,  
Ўйламасдан яшаш эса  
Ҳаёт эмас!

### ЖАВОБ

Қайси куни бир танишим  
Рўпарамдан чиқди ноҳос....  
Сўрашдик. У гап бошлади  
Баландпарвоз:  
— Кўринмайсан, минг долларлик—  
Пулга ўхшаб? Тирикмисан?  
Сенга айтар гапларим бор,  
Зерикмасанг.  
Ранги рўйинг айтиб турар,  
Эзибдими, дейман, турмуш,  
Наҳот сенга топилмаса  
Бошқа юмуш?  
Шеър ёзасан ухلامасдан,  
Маишатинг, роҳтинг йўқ.  
Оғиз йиртар қошиқ агар  
Бўлса қуруқ.  
Нима топдинг?...  
— Шошма!— дедим,—  
Энди мени тингла, ошна.  
Пакананинг бўйин чўзган  
Баланд пошна.  
Мол-дунё ҳам шундай матоҳ—  
Бугун топсанг, эртан кетар.  
Топганларим умр бўйи  
Менга етар.

Топганларим—Навоийлар,  
Машраб билан дардлашаман.  
Мен уларни наҳот пулга  
Алишаман?!

Бағрим макон Атойига,  
Лутфий кетмас қуноғимдир.  
Чўлпон асли ўчмайдиган  
Чироғимдир.

Топганларим бу—Она-Сўз,  
Хазинамдир она тилим.  
Мен уларни олтинлардан  
Олдин билдим.

Менга сирдош диёримнинг  
Сахролари, дарёлари,  
Қушларимнинг наволари,  
Фарёдлари.

Киндик қоним тўкилган ер  
Ватанимдир, давлатимдир.  
Ўзбек—жаҳон айвонида  
Савлатимдир.

Ўзбекистон!.. Қани, айт-чи,  
Бошқа шундай ўлка борми?  
Пулсиэлик—ор, аммо юртни  
Севиш орми?

Ахир уни улуғ Тангрим  
Асрангиз, деб бизга берган.  
Гар йўқотсак топармизми  
Бошқа ердан?

Сен —бадавлат. Насиб қилсин,  
Эплаяпсан, қандингни ур!  
Замонинг б-и-и-р келибди-да,  
Даврингни сур!

Фарқимиз шу:  
Сенда-давлат,  
Менда гурур бордир, ошна.  
Аммо қаҳат бўлмаган ҳеч  
Баланд пошна.

У дунёни кўрсатолмас,  
Чўзсанг-да бу бўйни гарчанд.  
Пошна эмас, аввал гурур  
Бўлсин баланд!

\* \* \*

Дунё тор эмас, аммо  
Кенг деб ўйлама асло,  
Тор бўлса ҳам ўз уйинг—  
Манзил-маконинг бўлсин.

Ҳеч кимдан кам эмассан,  
Кам бўлсанг—ҳеч киммассан,  
Ихтиёринг қўлингда,  
Яна имконинг бўлсин.

Минг шукрки, тўкин нон,  
Ҳар ерда бор дастурхон,  
Аммо дастурхонингда  
Аввал ўз нонинг бўлсин.

Дунё кез, элларни кўр,  
Фаройиб ерларни кўр,  
Дилингда эса яққаш  
Ўзбекистонинг бўлсин.

\* \* \*

Шамолларга куксинг очмасанг,  
Еллар силамаса тўшингни,  
Ҳисларингни тўкиб-сочмасанг,  
Яйратмасанг кўнги қўшингни—

Замон сендан нима олади,  
Сендан унга нима қолади?

Яшайверсанг давроним шу, деб,  
Боролмасанг оқимга тикка.  
Яшагайсан тайёр ем бўлиб  
Итгами ё улкан балиққа.

Айтай, десам юрак ҳайиқар...  
Сузолмайди жонсиз балиқлар.

\* \* \*

Баҳоуддин Балоғардон демишлар шундоқ:  
“Кўнгулни бер Яратганнинг ихтиёрига.  
Қўлинг эса юмуш билан банд бўлсин мудом.  
Шукр қилгин берганига, йўқу бориға”.

Не замонлар ўтиблики, бу ориф калом  
Тилдан -тилга, дилдан-дилга кўчиб юрибди.  
Ҳалол одам шу тариқа яшайди ҳамон,  
Нопок эса қайлардадир чўчиб юрибди.

Силлиқ тошга сув юкмаган ҳеч бир замонда,  
Ҳар кимсанинг виждони ўз-ўзига ҳакам.  
Доноларга ишора бас—англир бир онда,  
Нодонларга ҳайф кетади сўз ҳам, калтак ҳам.

## **ТУРКИЙЛАР**

Менинг туркийларим, менинг туркларим  
Сокин\* уммондан то Босфорга қадар  
Хонларим, бекларим, соҳибмулкларим,  
Балки ўзингдирсан ё Абул-башар.

Нуҳнинг кемасида омон қолган жон,  
Дунёга турк бўлиб келган Ёфасим\*.  
Бошингдан ўтди минг тўфон, қатағон,  
Эй сувда чўкмасим, ўтда ёнмасим.

Оловни кашф этган балки ўзингсан,  
Оташ-қизғинлигинг шундан эмасми?  
Нон тўла хуржуннинг икки кўзисан,  
Донни кашф айлаган ўзинг ё асли?

Ёйиқда\* ёйилиб, Итилни\* бўйлаб,  
Бойқолда бойланиб қолган улусим.  
Ҳазар\* томондаги қавмини ўйлаб,  
Ботаётган кунга боққан улувим.

Қипчоқ елларидай гоҳо сар-сари,  
Қуюнга айланиб алал-оқибат,  
Товонинг остида ёвларинг бари  
Ҳазонга айланган, эзилган албат!

Ўзлигингни таниб олгунга қадар  
Не бир ўзанларга уриб бошингни,  
Сенга ўтру келган не-не хатарлар,  
Биёбонлар ютган қанча лошингни.

Бу чексиз дунёда бўлганидек ҳад,  
Ҳад бордир қисматнинг қоралигида.

Кунтуғмишим, кунинг туғди-ку у пайт  
Икки буюк дарё\* оралигида!

Шунда чодир тикиб, мойтуғ\* кўтариб,  
Дедингки, бас энди елиб тўзганим!  
Турғунми, юрғунми, шоҳми ё ғариб,  
Турк будун\* бутундир!—деган ўзбагим!

Бугун кимлигингни билгайдир замон  
Бухоро, Самарқанд, Хиво, Шошлардан.  
Лекин танийсанми ўзингни ҳамон  
Ўзингдан қадимги битиктошлардан?

Кул Тигин ҳоқоним, билгувчи Билгам,  
Тошда гул ундирган, тошни сўйлатган,  
Ва шу гул олдида тошдай кўнгил ҳам  
Будуним, турким, деб ёниб куйлаган.

Тангри ҳукми мудом бўлгайдир вожиб,  
Ул сени яратди, ярлақади ҳам.  
Аввал ерга дона мисоли сочиб,  
Икки дарё аро сўнгра этди жам!

Дунёни титратган фотиҳ Искандар  
Илк марта шу ерда бўлган ярадор.  
Қутайба келгану ва кетган бадар,  
Сўгин мўнгул чиқди сенга харидор.

Сарбадор эдингми ва ё сарбардор,  
Ўзинг бунёд этдинг Соҳибқиронни.  
Дунё-дунё бўлиб умрида бир бор  
Фаним кўрмагандир бундай қиронни.

Турк будун бут бўлсин, бутун бўлсин, деб  
Унга келган ахир Тангри паёми.  
Дунёда туркнинг ҳам сўзи ўтсин, деб  
Алишер алқаган туркий каломни.

—Турк—будун!  
Турк—бутун!—  
Кимдир тўлғаниб  
Жонини қўйишга тополмади жой.  
Ўзин қусуғига ўзи булғаниб,  
Боши самағондан чиқмай ҳойнаҳой-

Ҳойнаҳой, режалар тузди ёшурун,  
Йўллади ҳар куни жосусларини.  
Ва ўзи бу ерга келмасдан бурун  
Шамол олиб келди бад исларини.

Бир қўлида яроғ, бирида ароғ,  
Йўлларда ем бўлиб кана-битларга,  
Келиб ёзиб қўйди қайда бўлса боғ:  
“Кириш мумкин эмас сарт ва итларга!”

Лекин сен самандар бўлолдинг яна,  
Эй сувда чўкмасим, ўтда ёнмасим.  
Ахир иймон эди Нуҳга бошпана,  
Омон қолган эди шундан Ёфасим.

Бу чексиз заминда бўлганидек ҳад,  
Ҳад бордир қисматнинг қоралигида.  
Сен ёлғиз қолмадинг— қолмасан минбаъд!—  
Икки буюк дарё оралигида.

Қавмингни санасанг бугун хотиржам  
Жуда камлик қилар ўнта бармогинг.  
Маскув ёнидаги сиймтан чувош ҳам  
Асли овлоқлаган битта аймогинг.

Улар омон бўлсин қайда бўлса ҳам,  
Будун бўлсинлар-у бутун бўлсинлар.  
Токи мавжуд экан бу ёруғ олам,  
Ҳар ерда бир туркий устун бўлсинлар.

Ушбу туркуларим\* шундан, ложарам,  
Ва боқий дунёда борлигинг учун.  
Улувим, сулувим, чинор шажарам,  
Будун бўл, бутун бўл, будун бўл, бутун!

\*Сокин уммон—Тинч океани

\*Ёфас—туркнинг бобокалони.

\*Ёйиқ—Урал дарёси

\*Итил— Волга дарёси

\*Ҳазар—Каспий денгизи

\*Икки буюк дарё—Аму ва Сир дарёлари.

\*Мойтуғ—байроқ

\*Будун—халқ  
\*Турку—шеър.

\* \* \*

Онагинам анҳор,  
Анҳорим онам,  
Мени асраб жавзо-саратонлардан,  
Қувончлар берардинг олам ва олам,  
Ва мени уйғотар эдинг тонгларда.

Сенга интилардим, сенга чопардим,  
Ҳивичдай яланғоч мен—болапақир.  
Шивирларинг эриб-оқиб тинглардим,  
Сен онам тилида сўйлардинг ахир.

Бағрим ҳайратларнинг тошқин селига  
Шодон очиларкан у ажиб кунлар,  
Барча-барчасини онам тилига  
Таржима қилардингиз, эй қушлар.

Мен ҳали дунёни англамас эдим,  
Ердан униб чиққан ҳайронгул эдим.  
Анҳор бўйидаги қудуққа дедим:  
— Бугун мен кимману аввал ким эдим?

Онам кўзларидай хаёлкаш, теран  
Қудуқдан бир садо келмади, бироқ  
Қалбим тубларидан туйғулар кечди,  
Уларни англадим анча кейинроқ.

Донишмандлар асли камгап бўларкан,  
Ва сўзлар эканлар сукут тилида.  
Уларга Оллоҳдан нимадир юққан.  
Қолдим-ку ҳайратларнинг селида!

Ҳатто сукунат ҳам таржимон бўлди  
Имлосиз, изоҳсиз ва алифбосиз.  
Шарҳин қилай десам бу мўъжизанинг,  
Дунёдаги барча луғатлар ожиз!

Тиллар бор,  
Эгаллаб ярим дунёни,  
Бор-йўқ зийнатларин қилар намоён.

Аммо кўксимдаги биргина “оҳ” ни  
Таржима этолмас улар ҳеч қачон.

Эй сиз дунёни забт қилмоқ бўлганлар  
Камалаклай товланувчи лисонда,  
Ўз она тилидан кўнгилга яқин  
Улуғроқ бир бисот борми инсонга?—

Ки, уни тушунмоқ, англамоқ учун  
На бир лугат керак, на битта изоҳ.  
Сенга таржимонлик қилса жим, беун  
Ҳатто остонангда унгувчи гиёҳ?...

Онагинам анҳор,  
Анҳорим онам,  
Мени асраб жавзо-саратонлардан,  
“Келақол, болам”, деб айтгандек онам,  
Ўзинг уйғотардинг мени тонгларда...

## ЧЎЛПОН

Ҳали ураётир кўксимда юрак,  
Қатли жоним учун шай эмас жаллод.  
Аммо ёрилай дер бу қафас—кўкрак,  
Аммо ёрилай дер бу хона, ҳайҳот!

Эртага...  
Ҳаммаси эрга бўлади,  
Бир зарба—узилар бор-йўғи бир жон.  
Аммо шеърларимдан кўнглим тўлади,  
Аммо шеърларим қоларми омон?

Шеър—туйгуларнинг сархил меваси,  
Яратганнинг менга карами, холос.  
Мен учун юртимнинг сўлғин майсаси  
Шеърим—ҳаётимдан афзаллиги рост.

Эртага...  
Ҳаммаси эрта бўлади,  
Тинади кўксимда девона тўфон.  
Шеърим-ку, биладан, сенга қолади,  
Сен кимнинг қўлида қоласан, Турон?

Йўқ, шеърим ҳақида ўйламайман ҳеч,  
Туғаб борар гарчи саботим, сабрим

Тавалло қиламан сўнг марта бу кеч:  
Сени паноҳида асрасин Танграм!

Шундай шеърлар ёзган жон шаҳид кетса  
Не бўпти, сен буни англашинг керак,  
Ҳар куни дунёга бир шоир берган  
Турон, сен яшашинг, яшашинг керак!

\* \* \*

Оллоҳдан насибам, кетмас давлатим,  
Жонимнинг роҳати яримта ноним.  
Сўзга садоқатим, ойдин талъатим,  
Қалбим малоҳати яримта ноним.

Балки жайдари у, балки кепакдан,  
Осмондан тушгандир ва ё эртақдан,  
Балки топгандирман машоқ термақдан,  
Бахтим зироати яримта ноним.

Дўстларга улашсам қўлни чўздилар,  
Ғанимлар ийманиб кўнглим буздилар,  
Ғанийлар беписанд кўзни суздилар,  
Фақир саховати яримта ноним.

Йўқдан кўра бор-да, бориға шуқр,  
Менга ҳам жой бўлган ториға шуқр,  
Дунёнинг юз турфа кориға шуқр,  
Умрим саодати яримта ноним.

Бол билан ейманми, кўз ёшим билан,  
Ғаммоз биланми ё сирдошим билан,  
Бу менинг ишимдир,  
бардошим билан,  
Буюрган тоқати яримта ноним,

Мен учун авлоси—миннати йўқдир,  
Миннатли емакнинг ҳикмати йўқдир.  
Қорин оч, қулоқ тинч, лек кўнгил тўқдир.  
Оллоҳ инояти яримта ноним.

\* \* \*

Биз-илдам, ҳориб-толмас,  
Бизлар ўтиб кетамиз,

Ҳеч ким бизга етолмас,  
Бизлар ўтиб кетамиз.  
Югурганлар-югурсин,  
Бизлар ўтиб кетамиз,  
Бойчибори ҳам бўлсин,  
Бизлар утиб кетамиз.  
Шовқин -суронлар солиб  
Бизлар ўтиб кетамиз,  
Майдонларда биз голиб,  
Бизлар ўтиб кетамиз.  
Тоғлардан, денгизлардан  
Бизлар ўтиб кетамиз,  
Дунё қолур бизлардан  
Бизлар ўтиб кетамиз.

\* \* \*

Фалакни кўзласанг лочин мисоли,  
Кулсизу қанотсиз учиб бўларми.  
Фурбатда кулгайми ғариб иқболи,  
Шодлик шаробини ичиб бўларми.

Киндик қонинг оққан жойда қозинг,  
Манглайингдан аён бахтинг-ёзинг,  
Қайдадир ярми бўш қолса ёстинг,  
Иқбол маликасин кучиб бўларми.

Фурбатда ком истаб не топди Шопур,  
Юртини туш кўриб ўтди шоҳ Бобур,  
Ғарибни ҳар ерда ғам ити қопур,  
Тўқ донни шўр ерга сочиб бўларми.

Ватанда ватансиз юрганлар қанча,  
Ватан бундайларга бир лаҳм-парча,  
Остонада умри ўтгандек лайча,  
Занжирин бўшатиб-ечиб бўларми.

Шуларни ўйласам—юрақда санчиқ,  
Тўшу товонда-ю қуракда санчиқ,  
Бир лода бургага қилгандек аччиқ,  
Шулар деб Ватандан кечиб бўларми.

Гоҳ шодлик, гоҳи ғам майин ичгайман,  
Хаёл дарёсини минг бор кечгайман,

Оҳ, Ватан, мен сендан кечгунимча то,  
Аввал ўзимга бир кафан бичгайман.

\* \* \*

Мен тонглар самога кўз тикиб,  
Порлаган зухрони севаман.  
Гоҳ сокин, гоҳида энтикиб  
Боргувчи дунёни севаман.

Ҳаёт, сен нақадар ғариба\*,  
Оқасан Машриқдан Мағриба,  
Бу ҳаддин билмаган тажриба—  
Ошкору ниҳонни севаман.

Болангман,  
Сени бир кўрай, деб  
Келгандим, кетмоқни кўриб эп  
Кетарман, охираг гамин еб—  
Ўтгувчи ҳар онни севаман.

Шу экан, бор-йўғи, шу, холос,  
Яшадимми лек одамга хос,  
Балки кўп, ким билсин, балки оз,  
Мен эса маънони севаман.

Ушбу дам бир имкон манимдир,  
Дунёни англамоқ ғамимдир,  
Билмайман, ким дўст, ким ғанимдир,  
Қадрдон ҳар жонни севаман.

Кимда зар, ким зўру ким юпун,  
Баридан чиқмайди бир устун,  
Дунё ҳам омонат шунинг-чун,  
Ғанимат шу онни севаман.

Тоғларнинг виқори ғанимат,  
Чаманлар ифори ғанимат.  
Офтобнинг дийдори ғанимат,  
Ер билан осмонни севаман.

Келсанг-чи, эй ҳорғин йўловчи,  
Бир дам бўл қалбимнинг қувончи,  
Мен-да бир меҳмонман қуйловчи,  
Атойи Худони севаман.

Тириклик—риёзат ҳам роҳат,  
Татийди бўлмасанг ҳамоқат,  
Тиланиб Яратгандан тоқат,  
Вожиб-ул дуони севаман.

Фақирлик мулкида шоҳ кўнглим,  
Ўкинма, тўрт мучанг соғ, кўнглим.  
Кел, сен ҳам ўзингни ёқ, кўнглим,  
Оташни, зиёни севаман.

Зоғда ҳам Ватан бор, ўйласам,  
Оҳ, мен ҳам тилимдан қўймасам,  
Сел бўлиб дилимдан куйласам:  
“Мен Ўзбекистонни севама-а-а-н!”

\* Ғариба-ғўзал.

\* \* \*

Осмон баланд, Ер қаттиқ—  
Шулми охир хулоса?  
Кўнглимга ботти қаттиқ  
Бу сифат, бу андоза!

Осмон яқин, бошимда,  
Ана, тутиб турибман.  
Ер ҳам юмшоқ, қаранглар,  
Ахир ботиб турибман!

\* \* \*

Худо сенга уйқуни берди,  
Менга эса берди қайғуни.  
Гуноҳим не, айбим не эди,  
Бу ҳол қачон тугар, қай куни?

Сен мудрайсан юрган йўлингда,  
Мен уйқумда фиғон чекаман.  
Тангрига не ёзигим бор, деб  
Тонгга қадар бўзлаб чиқаман.

Сен кулмайсан, йиғламайсан ҳам:  
Гўё тошдан тарашланган бут.  
Сен ё муздан пайдо бўлгансан,  
Сени туққан ё қора булут.

Боқиб гоҳо ўйга толаман:  
Ўт билан сув қоришар нега?  
Ким билади, балки бу азал  
Тангри берган жазоми менга?

\* \* \*

Менинг душманам йўқ ушбу дунёда,  
Гарчи тикансизмас гулшаним менинг.  
Мен дўстни оғамдан кўрдим зиёда,  
Дўстимнинг душмани—душманам менинг.

Оғам, жон бер, деса жонимни берай,  
Иним—бир қориндан тушганим менинг.  
Унга тош отсалар кўксимни тутай,  
Инимнинг душмани—душманам менинг.

Ватан—онам каби ёлғиз суйганим,  
Ул менинг гурурим, ул шаъним менинг.  
Шу бўлди тупроғин ҳидлаб туйганим:  
Элимнинг душмани—душманам менинг!

Дунёни бузолмас сув, тўфон, аммо  
Буза олурмиди шу учта ғаним?  
Шу учта ғанимдан асраса Худо,  
Демак, йўқдир менинг бошқа душманам!

\* \* \*

Мени уялтирди бойчечак,  
Қаттиқ ерни ёриб чиқди у.  
Балки ерни енголмагандир,  
Лек ўзидан ғолиб чиқди у.

Искандарнинг шохи бор, деган  
Қамишда ҳам бордир жасорат.  
Бу ҳам менга бир уятли кун,  
Бу ҳам ахир менга ҳақорат.

Айтчи, шоир, шеъринг-баётинг  
Наҳотки бир чақага арзир.  
Кимга керак шонинг, ҳаётинг,  
Бўлолмасанг қамишча ахир?

## МИЁНКЎЛ МАНЗАРАСИ

Чоршамъга.

Баҳор келса майса қоплайди  
Миёнкўлнинг далаларини.  
Шамол кўкда қувлаб чопади  
Тўзгин булут галаларини.

Чаккасига қизгалдоқ таққан  
Том бошига чиқар болалар.  
Куёшга лол бўлиб қараган  
Лолаларни терар болалар.

Дуркун қизлар кўксида илк бор  
Чечак бўлиб уйғонар ҳислар.  
Пахса девор ортида бекор  
Қолмагайдир нотаниш излар.

Қиргоқ билан ўпишган сувлар  
Сочин ювар сулув толларни...  
Тарк этади мудроқ уйқулар  
Бардам бўлиб қолган чолларни.

Булбулларга жўр бўлиб олис-  
Адирлардан келар най саси.  
Тандирдан нон исини олиб,  
Кезар елнинг майин нафаси.

Баҳор бунча келмиш ясаниб!  
Юрак ажиб ҳисларга тўлар.  
Ҳатто анув дуркун майсани  
Ҳазал қилиб куйласа бўлар...

\* \* \*

Бахт нимадир?  
У қайси рангда,  
Қай шаклда бўлар ҳувайдо?  
Топиларми у қонли жангда,  
Қора тердан бўларми пайдо?

Йўлда ётган сабил тошми у—  
Териб олсанг, бўлсанг бахтиёр?  
Кўзларингдан оққан ёшми у—  
Киприқларда тизилган қатор?

Бахт нимадир?  
У қайси рангда,  
Қай шаклда бўлур намоён.  
Балки Ойдир—кезар фалакда,  
Қўлни чўзсанг етгудек осон...

Бахт нимадир?  
Балки у гулдир—  
Суюмли ёр қўксида ёнган.  
Ё хаёлдир, гулдурак бўлиб  
Юракларга гулгула солган?

Бахт нимадир?  
Эй дўсти азиз,  
Бахтни истаб ёнган эй бағир,  
Бахт нима, деб сурасан хаёл,  
Бахт— бу бахтни изламоқ ахир.

### **УМР**

Қайси бир жаннатдан эсди бу сабо,  
Балки бир нозанин нафасидир ул?  
Қаёнга шошилиб кетар шу асно,  
Ундан баҳра олур қайси дала, чўл?

Балки бир тақдир у, балки бир қисмат,  
Ўйласанг, ўйингга нелар келмайди.  
Нима учун келди—ҳеч киши билмас,  
Қаён кетмоқда у—ҳеч ким билмайди.

### **САВОЛ**

Менга зогни кўрсатманг,  
Булбул қани, азизим.  
Танийман бу тошни, лек  
Кўнгил қани, азизим.

Бу қорадир. қорадир,  
Оқи қани, азизим.  
Мана бу дашт—гул унмас,  
Боги қани, азизим.

Ошкор бўлди барчаси,  
Рози қани, азизим.  
Кўп тингладик ёлғонни,  
Рости қани, азизим.

Нега хомуш тортасиз,  
Нега ҳайрон бўласиз?  
Чунки айтсангиз ростин  
Тил тортмасдан ўласиз.

\* \* \*

Булбулнинг номидан сўзлагин, аммо  
Булбулман, деганинг эрур кўп хато.  
Филми ё арслон номидан сўйла,  
Оқибат не бўлур—буни ҳам ўйла.  
Энг юксак тоғларнинг номидан гапир,  
Ва лекин мен тоғман, деб айтмассан ахир.  
Истасанг, майлига, Худоман, деб айт,  
Одамзот буни ҳам кўргандир бир пайт.  
Олсанг ҳамки халқнинг гирибонидан,  
Фақат сўзламагин унинг номидан.

### **ИЛТИЖО**

Умрида бир лаҳза роҳат билмаган,  
Меҳрга зорларнинг бошин силаган,  
Сенга ибодатни қанда қилмаган  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Танграм.

Ҳаёғ—аланга, у парвона бўлди,  
Кўнгли осмон, жисми остона бўлди,  
Сўзни Каъба билди, фарзона бўлди,  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Танграм.

Шукронани билган, куфр демаган,  
Риёзат чекмайин ризқин термаган,  
Мўрга ҳам беҳуда озор бермаган  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Танграм.

Тунов кўзларида чақнаган ҳайрат  
Бугун нималардан қилмоқда ҳасрат?  
Бандаси ожиз, Сен улугсан фақат,  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Танграм.

Даргоҳинг кенг ахир, ўргилай сендан,  
У ҳам садоқатли қулингдир чиндан,  
Майлига, дариф тут меҳрингни мендан,  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Танграм.

Туғишганим янглиг оғам бўлар у,  
Тоғасиз фақирман, тоғам бўлар у,  
Суянсам-суянчим, тоғ ҳам бўлар у,  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Тангрим.

Менга уни бундоқ кўрмоқлик оғир,  
Ютиниб ҳолини сўрмоқлик оғир,  
Сенга қулман, унга нотавон шогирд,  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Тангрим.

Дарддан халос бўлса, яйраса, кулса,  
Бағридан яна шеър дурдай тўкилса...  
Ахир шоирликнинг ўзи дард бўлса...  
Сен унга дард эмас, шифо бер, Тангрим,  
Тошпўлат Аҳмадга шифо бер, Тангрим.

\* \* \*

Кўҳна бешикдир бу жаҳон,  
Унда ажаб ҳолни кўринг:  
Бир ён тўкин, дориломон,  
Бир ёнда абгорни кўринг.

Бир ён чаманзор—гуллаган,  
Булбуллари шод куйлаган,  
Бир ёнда майса унмаган  
Дашту тиканзорни кўринг.

Кечгай умрлар турфаҳол,  
Ким сарбаланд, ким қадди дол,  
Қайда савоб, қайда увол,  
Бу сирру асрорни кўринг.

Олган биров, сотган биров,  
Сўрмас биров: "Не бўлди, ҳов?!"  
Ё асли бу дунё меров,  
Мункир-талабгорни кўринг.

Ҳар ким ўзин ҳақман дегай,  
Лек ўзганинг ҳаққин егай,  
Мен не тавр афғон чекай,  
Нафс деган ғорни кўринг.

Базму тамошоси ажаб,  
Уйқаш аза, кайфу тараб,

Гала-гала, тараф-тараф  
Дўст бирла ағёрни кўринг.

Кўлга олсам қалам гаҳи  
Ёнгай дилимнинг дафтари,  
Сиз ҳам ёниб кетманг дағи,  
Бу ўтни—ашъорни кўринг.

\* \* \*

Далли дунё, девона дунё,  
Ошино ҳам бегона дунё,  
Тўнкарилган косадир гоҳи,  
Гоҳи тўла паймона дунё.

Борми вафоси-ю бақоси,  
Неча пулдир унинг баҳоси,  
Қайда боши, қайда адоси,  
Урёну ҳам пинҳона дунё.

Жамшид бўлиб базмлар қурган,  
Гоҳо Чингиз бўлиб қутурган,  
Гоҳ боладай йиғлаб ўтирган,  
Зеру забар кошона дунё.

Кимлар ўтди беғам, лапанглаб,  
Кимлар шошиб, сакраб-ҳаккалаб,  
Шоҳ Машраблар ўтган шатталаб,  
Бағри тўла баҳона дунё.

Кимни чорлар, кимни рад айлар,  
Кимни номрад, кимни мард айлар,  
Гоҳ бир дилда шодлиғу дардлар,  
Майхонаю ғамхона дунё.

Эртак сўйлар ҳам чин, ҳам ёлғон,  
Тинглаганлар, тинглармиз ҳамон,  
Инондингми сен ҳам, Сулаймон,  
Бу шундайин афсона дунё.

Далли дунё, девона дунё...

\* \* \*

Юлдуз бўлсак, ёнсак, куйсак,  
Само бизни унутгайми?

Зарра-зарра учиб юрсак  
Сабо бизни унутгайми?

Бир сўз бўлсак болдан ширин,  
Ювсак юракларнинг кирин,  
Яширсак бир ошиқ сирин,  
Наво бизни унутгайми?

Қатра бўлсак, кетмай беиз  
Тошга ҳаёт бахш этсак биз,  
Яшамабмиз ахир бежиз,  
Сахро бизни унутгайми?

Ўтиб умр туни-куни,  
Сарф этмасак бенаф уни,  
Келганида маҳшар куни  
Дунё бизни унутгайми?

Юлдуз бўлсак, ёнсак, куйсак,  
Само бизни унутгайми?

\* \* \*

Кўнгил сирларингни ҳар кимга очма,  
Ҳар кимса ҳамнафас—маҳрам бўлолмас.  
Ёмонга ёндашиб, яхшидан қочма,  
Ёмонлар ёнингга ҳамдам бўлолмас.

Тириклик шарбати тотлидир, бироқ  
Уни келтиргуси меҳнат ва идрок,  
Ишқ билан ҳаваснинг ораси йироқ,  
Умрнинг ҳар дами байрам бўлолмас.

Сабр қилмоқ қийин сув билан нонга,  
Чалпак ёғарми, деб боқма осмонга,  
Нафс деганлари балодир жонга,  
Миннатнинг ҳиммати карам бўлолмас.

Ҳар кимга дардингни айтма, Сулаймон,  
Яхшиликни истаб бўлмагин ёмон,  
Пушаймон қилурсан, аммо пушаймон  
Сенинг дардларингга малҳам бўлолмас.

## ҚИШЛОҒИМ

КАРИМнинг хотирасига.

Мана бизнинг қишлоқ.  
Мана бу ҳовли  
Менинг болалагим ўтган ошиён.  
Орадан ўттиз йил ўтибди чоғи,  
Мен унинг бағридан кетгандан буён.

Ўшанда мен билган дуркун болалар  
Бугун мени билмас, танимас мутлоқ.  
Ўшанда беллари букчайган чоллар  
Балки ер остида ётишар бу чоқ.

Тириклар ўликдир, ўтганлар—бедор,  
Демакки, руҳлари яшар барҳаёт.  
Менинг кимлигиму келганимни ҳам  
Оёқ товушимдан танирлар дарҳол.

Ва, дерлар: “Бу ахир Шодининг ўғли!”—  
Шу ўй хаёлимдан кечар дафъатан.  
Ҳа, улар топишар бехато, тўғри,  
Бизни боғлаб тургач шу ер, шу Ватан!

Фақат мен сиғмадим унинг бағрига,  
Манглайда бор экан ҳижрон, жудолик.  
Гарчи шеърлар битдим кейин шаънига,  
Аммо дийдоридан бўлмади ортиқ.

Ҳаёт ташвишлари, йилларнинг боди  
Совурди аёвсиз хотираларни.  
Ғалвирга ўхшаркан одамнинг ёди,  
Ва элаб ташларкан айтарли барин.

Дунёда жуда кам эслаб қолгулик  
Ва сиғинмоқ мумкин бўлган нарсалар.  
Жуда кам қадрдон, ёдга олгулик  
Муъжиза, ҳодисот, мунис лаҳзалар.

Аммо тушларимга кирди бу макон,  
Ёд этдим яхши ва ёмон кунда ҳам.  
Айланиб-айланиб гардиши лаврон  
У билан юзма-юз турибман бу дам.

Орадан ўтибди ўттиз йил ахир,  
Қани, омонмисан, эй она қишлоқ!  
Бунда мени таниб олди кимлардир,  
Танимай турганлар эса сал кўпроқ.

Менга қолса, асло гап бунда эмас,  
Киприқдаги ёшдай омонат жонман.  
Ҳеч ким устун бўлиб дунёга келмас,  
Мен-да улови шай турган меҳмонман.

Фақат не учундир исми йўқ бир дард  
Гоҳида кўксимни тирнайди ёмон:  
Бир умр орзулар ортидан қувлаб  
Топганим бор-йўғи биргина армон.

Қани имкон бўлса, қолсам шу ерда,  
Шу ерда қартайсам, ерга бош қўйсам.  
Қуёш қабрим узра чиқиб ҳар эрта,  
Эрисам ва шомда шабнамга дўнсам.

Ўшанда мен каби саргашта, далли  
Кетганлар қайтсалар соғиниб—ёниб.  
Ва мен ҳам танисам ҳов чоллар каби  
Оёқ товушларин қабримда ётиб...

Шундай хаёлларга бораман атай,  
Бунчалар орзуманд бўлмаса кўнглим!  
Бир замон шу ердан бошланганидай,  
Дейманки, шу ерда тугаса йўлим...

Мана бизнинг қишлоқ,  
Мана бу ҳовли—  
Менинг болалагим кечган ошиён.  
Мен уни минг йиллар кўрмаган каби  
Соғиниб-соғиниб келаман ҳамон.

## **ҲАЁТ УММОНИ**

Тиним билмай, тошиб-қайнаб туради денгиз,  
Гоҳ мавжланар, гоҳ чайқалар, гоҳ пўртана  
Ўн газ сапчиб кўзадию телба-тийиқсиз,  
Сал ўтмайин ювош тортиб қолади яна.

Оламдаги барча ранглар жилва қилган сув  
Бамисоли мусавирнинг бўёқтахтаси.

Унда жамдир эҳтиросу ҳайрат ва гулув,  
Бу--ҳаётнинг гоҳ маҳзун, гоҳ шод сонатаси.

Бунча кўркам, мўъжизакор, бунча мафтункор,  
Ҳар жилваси сеҳрлайди, асир қилади.  
Унда ақл бовар қилмас ҳикмат—мазмун бор,  
Боққан сари ақл шошиб, кўзлар тинади.

Бораркансан қумли соҳил бўйлаб беармон,  
Дил ўзини ҳаваслардан тизгинлай олмас.  
Аммо-лекин тўлқин ҳамла қилгани замон,  
Кўрибсанки, қумда сенинг изинг ҳам қолмас.

Тиним билмас, тошиб-қайнаб ётади денгиз...

\* \* \*

Соғлар макон қурган боғлар ичинда  
Андалиб найласин, булбул найласин.  
Риёзат кўрмаган соғлар ичинда  
Риёзатдан бемор кўнгил найласин.

Оқар бўлса, сойга оқар сойлар ҳам,  
Боқар бўлса, бойга боқар бойлар ҳам,  
Бўлса жаннатларга макон жойлар ҳам,  
Илдиз отолмаса, сунбул найласин.

Азалниг иши бу, туганмас абад,  
Аммо биз азалдан кутмаймиз шафқат,  
Бизга бас оқибат, меҳр-муҳаббат,  
Қолганин суймаса бу дил, найласин?

\* \* \*

Ел каби ўтмоқдадир умри равон,  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.  
Топмайин бир ҷорасин мен нотавон  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.

Бир ниҳол эрдим ҳаёт бўстонида,  
Яшнаган не-не чинорлар ёнида,  
Сарғайиб бормоқдаман ёбонида  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.

Қайда ул шиддат-шижоат онлари,  
Ой ила юлдуз тўла осмонлари,  
Тийра тортар энди ҳатто тонглари  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.

Дилга эрди ошино учқур ҳаёл,  
“Ким ўзар” да етишолмасди шамол,  
Энди эрса жонни ўртар минг савол  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.

Дўсту ёрлар бешумор эрди, бироқ  
Энди оқшом соясидай йўл йироқ,  
Пиллиги мойсиз сўниб боргай чироқ  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.

Ота-она—ул ганиматлар қани,  
Сирли чўпчак, нақлу ҳикматлар қани,  
Бу фироқлар оқибат найлар мани  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.

Эй Сулаймон, англадингми, бу ҳаёт  
Гоҳи мотам бирла ўтгай, гоҳи шод,  
Эҳтиёт бўл ҳар дамингдан, эҳтиёт  
Кунма-кун, соатма-соат, дамба-дам.

\* \* \*

Оламни яшнатиб баҳор ҳам келди,  
Момоқаймоқ кунга боқар рошлардан.  
Қирғоқларни қўйинг, қирларни қўйинг,  
Майса униб чиқди ҳатто тошлардан.

Офтоб жамолини кўрсатар Ҳамал,  
Бу кунларга етдик, омон-ей, омон.  
Шу улуг айёмда, шу дилбар маҳал  
Одам уйғонмаса—мана шу ёмон!

\* \* \*

Улар битта гапни айтишар нуқул,  
Бошларин уришар бир тоғу тошга.  
Битта енг ичидан чиқаришар қўл,  
Аммо қиладиган ишлари бошқа.

Муллонинг айтганин қилмоқ балки фарз,  
Қилганини қилмоқ этилгандир манъ.

Аслида бу матал муллалар эмас,  
Иши билан сўзи бошқадан қолган.

\* \* \*

Равон бўлса эди сен танлаган йўл,  
Борар манзилларинг бўлса бехатар,  
Ҳар ерда пойингга тўшасалар гул,  
Нега безовтасан, тизларинг қақшар?

Равон бўлса эди танлаган йўлинг,  
Сайру сафарингдан очмас эдинг сўз  
Ростин айтар бўлсам, ўргилсин қулинг,  
Ўзинг аллақачон кетардинг ёлғиз!

### **АБУ ЖАҲЛ**

Бир кун Абу Жаҳл алайҳил-лаъна  
Маломат қилганди Расулуллоҳга:  
“Сен менинг динимга солурсан раҳна,  
Мен нечун сиғинай бориб Оллоҳга?”

Унга шундай жавоб айлади Расул,  
Кибр шамширини солиб қинига:  
“Шаккоклик қилмагин, эй Абу Жаҳл,  
Нечун кирмоқдасан шайтон йўлига?”

Жаҳл ибн Ҳишом— мутаассиб зот,  
Худодан қайтган бир бағритош эди.  
Яна бир фитнани бошлади шаддод,  
Такаббурлик билан Расулга деди:

“Менга бир каромат кўрсатки, Расул,  
Оллоҳ ноибисан заминда агар.  
Ойни бир назар-ла пора-пора қил,  
Сўнг яна аввалги ҳолига қайтар!”

Расул бу юмушни бажарди, аммо  
Абу Жаҳл унга инонмай деди:  
“Ерда макр ила қўзгардинг яғмо,  
Кўкда жодугарлик қилурсан энди!”

Жаҳлга юзланди Расул Ялавоч,  
Сўз деди Оллоҳнинг қудратига хос:  
“Истаса, У тошни айлағай оғоч,  
Мен Унинг бир ожиз бандаси, холос.

Бу Унинг қудрати, мўъжизасидир,  
Иродаси шундай улугдир бешак.  
Нўхтаси олтинми, ё чирик чилвир,  
Фақат бунинг фаҳмин қилолмас эшак!"

Абу Жаҳл Ҳишом—молики замон—  
Кўп эди олтини, чорва, теvasи.  
Кибру ҳаво билан банд эди ҳамон,  
Расулга асло ён берай демасди.

Ён берайин деса, қўймайди ҳавас,  
Ён берса—Оллоҳга бўлгусидир қул.  
Гумон гулханида қоврулиб, бас,  
Кофирлик йўлини танлаганди ул.

Тавбани билмаган мушрик арабдан  
Дунёга қолгани шубҳа ва гумон.  
Бўйин товлагани учун тавбадан  
Алайҳил-лаъна, деб аталур ҳамон.

Яна Тангри билар, валлоҳи аълам,  
Тавба қилганларнинг жойи ужмоҳдир\*  
Тарсоми, мусулмон—ким бўлганда ҳам  
Худодан юз бурмоқ асли гуноҳдир.

\*Ужмоҳ—жаннат.

## **ФАРОЙИБ ШАҲАР**

Ғанийлар бунда роҳатда,  
Фароғат, айш билан машғул.  
Фақирлар жим—итоатда,  
Ўзин алдаш билан машғул.

Ҳаёт қайнар қозон янглиғ,  
Туман-турфа буёқ-ранглиғ,  
Бировлар ҳойу манманлиғ—  
Қуруқ сайраш билан машғул.

Молинг бўлса азиздирсан-  
Ки, йўқса беқадрдирсан,  
Бировлар бор, қараб турсанг,  
Пулинг овлаш билан машғул.

Биров айёру ҳам лода,  
Биров тўнка каби содда,  
Бировин қулида хода,  
Қувиб-ҳайдаш билан машғул.

Ҳама бир лойдану аммо  
Тан олмас бир-бирин асло,  
Солиб бир-бирига ғавго,  
Гумон—искаш билан машғул.

Бу не манзил, бу не олам,  
Бу не ҳилқат, бу не одам,  
Неча вақтки, Сулаймон ҳам  
Бунни англаш билан машғул.

### **ҚАЁН КЕТАСАН**

“Кетсанг кўнгил кетган томонга...”

(Чоршамъ)

Ўзингни бос, эмин бўл,  
Қани сўқмоқ, қани йўл,  
Қайда сени чорлар қўл,  
Кўнгил, қаён кетасан?

Телбагинам, тентагим,  
Ёлғони йўқ эртагим,  
Сен-ку менга керагим,  
Кўнгил, қаён кетасан?

Ҳисоб-китобли дунё,  
Овсармисан ё гумроҳ,  
Тўшагинг ўлан, бўрё,  
Кўнгил, қаён кетасан?

Ҳолва деса сушт кетиб,  
Ҳар сояни дўст тутиб,  
Тошиб, ўзингдан кетиб,  
Кўнгил, қаён кетасан?

Ўз ўзингдан тонгдингми,  
Ҳавасларда ёндингми,  
Сиқилдингми, толдингми,  
Кўнгил, қаён кетасан?



Кўксинг очаверма турфа бодларга,  
Ер ости ўрадир Қайқубодларга,  
Борингни тутқазсанг ғаним—ётларга,  
Кўксинг жароҳатлаб пайконлар қолар.

Кўзлаган манзилинг яқин ё йироқ,  
Карвондан узилма, сарбонга ҳам боқ,  
Унда ҳам бўлмаса зиғирча идрок,  
Адашган, таланган карвонлар қолар.

Кўнгил давлат истаб тўнғиз асрасанг,  
Уни кўзи каби алқаб-яйрасанг,  
Ғафлат шаробини ичиб анграйсанг,  
Чаманлар ўрнида пайхонлар қолар.

Ҳикматли дунё бу, уққанинг қани,  
Пулга топилмайди гоҳида маъни,  
Гумонларга тўла бўлса дил саҳни.  
Биз ҳам фаришта, деб шайтонлар қолар.

Ўзингга жафолар айлама, эй жон,  
Уфқда туташган каби ер-осмон,  
Ростдай кўринган у аслида ёлғон,  
Ҳар неча ишонсанг ёлғонлар қолар.

### **КУЗГИ ЯПРОҚ**

Дарахат шоҳидаги энг сўнгги япроқ  
Мағлуб куздан қолган заъфарон байроқ.  
Кўкнинг ҳавосини олмаган қушча-  
Мисоли беқарор, потирлар бунча.  
Айрилиб қолдими сафдошларидан  
Жон сақлаш-чун қишнинг талошларидан.  
Нима бўлганда ҳам юксакда танҳо  
Турибди жон таслим қилмасдан асло.  
Гарчи қовжираган, беҳол ва заиф,  
Мен унга тополмай қолдим-ку таъриф!  
Нима бўлганда ҳам шу зариф япроқ  
Ноумид одамдан ҳам қудратлироқ!

### **СОБИРА ОПАМНИНГ ШЕЪРИ**

Эркалаб, бошимни силаган онам,  
Худодан умримни тилаган онам.

Лабларимга жаранг кулги кундириб,  
Жилмайган, ичида йиғлаган онам.

Замон оғир бўлган у пайтлар жуда,  
Ҳали хуш кунлардан булмаган мужда.  
Замон—бизники, деб қаттол-қурумсоқ  
“УРУШ” “ОЧЛИК” билан киришган куда.

Онам дуолари бўлди ижобат,  
Ривоят деманг, бу эмас ривоят.  
Аввал қалқон бўлган онам қўллари,  
Энди арвоҳлари менга ҳимоят.

Фақат умрим ўтди бир тирноқ тилаб,  
Бировлар боласин бошини силаб.  
Онамдай, уларга умр тиладим,  
Аммо билолмадим онамдай йиғлаб.

Эркалаб, бошимни силаган онам,  
Овлоқда жимгина йиғлаган онам.  
Мени кулдиргану куйгану аммо  
Бугун йиғлашимни билмаган онам.

Тақдир бошимга шу кунни солгандир,  
У дамлар олисда энди қолгандир.  
Мен қайдан билайин, у дамлар онам  
Балки мен учун ҳам йиғлаб олгандир.

Оҳ, менга умрлар тилаган онам...

\* \* \*

Даврон ўтиб бормоқдадир  
Ажаб сеҳру садо билан.  
Айқаш-уйқаш кўрим, тақдир,  
Тўғри билан, хато билан.

Кимнинг оғзи ошга етган,  
Кимнинг боши тошга теккан,  
Бирин иши нағма экан,  
Бирин иши наво билан.

Дўқ урганнинг қорни тўқдир,  
Қорни очнинг кўзи лўқдир,

Фанийларнинг иши йўқдир  
Фақир, билан гадо билан.

Ҳаёт-да бу, камалакранг,  
Осмон баланд, арзи заранг,  
Яшаётир кимлар аранг,  
Ким зебу зар, ридо билан.

Биров ҳақнинг йўлини очса,  
Биров истар уни ёпса...  
Бошқа бири чора топса,  
Олишади Худо билан.

Эл дегани—эгилганроқ,  
Элсуймаси—енгилтакроқ,  
Йиқилганни сал “бундайроқ”  
Ниқтаб ўтар асо билан.

Бирин кўриб фикр қилсанг,  
Бирин кўриб зикр қилсанг,  
Хулоса шу агар билсанг,  
Ўйла ақли расо билан:

Сулаймон, сен ўзингни бил,  
Аввал айтар сўзингни бил,  
Ўлса—ўл, тирилса—тирил  
Элинг—оқил, даҳо билан.

Хизматин қил, роҳатин кўр,  
Бахти, адл қоматин кўр,  
Элсуярлар сафида тур  
Ҳиммат билан, саҳо билан.

## **ДУНЁНИНГ САБР КОСАСИ**

Нафрат нима?

Нафрат—сабрнинг

Косасидан тўкилган оғу.

Қаҳр нима?

Қаҳр—меҳрнинг

Соясига айланган ёғду.

Фурбат—дилнинг тунд ўрмонида

Кувончлардир—адашиб юрган.

Ҳасрат киприкларга томчидай

Орзулардир, осилиб турган.

Орзулар ҳам адашган асли  
Армон деган саҳрода бир вақт,  
Зулм эса йўлидан озиб  
Муштумларга тугилган шафқат.  
Жанггоҳларда ёвуз янграган  
Ваҳший замбараклар наъраси—  
Қулоқларга чалинаётган  
Гўдакларнинг аччиқ ноласи.  
Қаҳатчилик—бойлар яширган  
Фақирларнинг сариқ тангаси.  
Оҳ, бунчалар кўп бу ҳаётнинг  
Ҳийлалари, найранг-нағмаси.  
Нега бунча адашар, йитар  
Меҳр-шафқат, мурувват, зиё?  
Қачонгача одамзот бир ён,  
Бошқа ёнга айланар дунё?  
Қайдан кирар дилга бу ғусса,  
Нега чўкмиш кўзлар соққаси?  
Чора изланг, одамлар, тўлмай  
Бу дунёнинг сабр косаси!

### **КЕЧА КИМ ЭДИМУ...**

Умр ўтмоқдадир, ўтмоқда умр,  
Белдан қувват, кўздан кетаётир нур,  
Эй дўст, бир келгину ҳолимни бир кўр,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Умр—ногаҳоний чақнаган чақин,  
Кўришга улгурмай фалакнинг чархин,  
Ҳали бошланмайин топаркан якун,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Ғаним изламадим, ғаним топилди,  
Шодлик кўчасида ғаним топилди,  
Тўрт мучам соғ, десам камим топилди,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Дўстларни кўрганда қувонди кўзим,  
Гарчи ерда қолди илинжим, сўзим,  
Ҳамон дўст ахтариб сарғаяр юзим,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Ёлғоннинг онаси—кўзни ўйнатмоқ,  
Ва ёки аҳмоқлик—ёлғон сўз айтмоқ,

Дунёни неча бор бўлиб ўзгартмоқ,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Дунё деганлари ўгай онадир,  
Ўзи болам деру ўзи тонадир,  
Аслида у на дўст, на бегонадир,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

У не тилакларни совурап елга,  
Ғарқ қилар гоҳи қон, гоҳида терга,  
Ундан ҳам сўрайман: "Айтгин-чи менга,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим?"

Тонг отса ҳамма ёқ ойдин бўлар, деб,  
Ёлгон кошонаси эртан қулар, деб,  
Менинг ҳам кўксимни шамол силар, деб,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Тошда гул ундирмоқ бўлдимۇ бироқ  
Ҳали унмай туриб бўлди-ку тупроқ,  
Балки афандиман ёки Мажнунроқ,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Фалакни бўйлаган тилаклар қани,  
Дунёни тебратган билаклар қани,  
Саволлар гўдакдай йиғлатар мани,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим.

Бари ўтиб борар, ўйласам гоҳо,  
Келиб, кетмоқликда асли не маъно?  
Ожизман, жавоб бер ўзинг, раббано,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим?

Мен-ку дод демасман, салавот дерман,  
Берган азобингни ҳаловат дерман,  
Дод этсам, ўзимдан фақат дод дерман,  
Кеча ким эдимۇ бугун не бўлдим,  
Бугун ким бўлдимۇ эрта не бўлгум?

## **БОШОҚ**

Деҳқон доналаб сочди,  
Майса бўлиб ундик биз.

Бошимизда туну кун  
Бир деҳқонни кўрдик биз.

Ўроқда ҳам ёлғиз у  
Бойлаб келди белини,  
Хотинига тайинлаб,  
Шайлаб қўй, деб келини.

Ва лекин биз деҳқоннинг  
Айланмадик нонига.  
Бели оғримаганнинг  
Тушдик тегирмонига.

\* \* \*

Кўнглимдан не кечмоқда,  
Не ўй келиб дамода  
Яна қайга кўчмоқда,  
Қайдан биласан, болам.

Тоғ эмасман—титрасам,  
Булутмасман—йигласам,  
Ўзим ошкор қилмасам,  
Қайдан биласан, болам.

Боқаман хуррам сенга,  
Ёқаман бирам сенга,  
Ичим ёнади. Нега?—  
Қайдан биласан, болам.

Ҳар кипригинг бир савол,  
Ҳар куни шундай аҳвол,  
Соқовдирман эҳтимол,  
Қайдан биласан, болам.

Умр ўтар шу зайл,  
Кимга тўй, кимга сайл,  
Юрагимда не майл?—  
Қайдан биласан, болам.

Мен сайд, фурсат сайёд,  
Дийдор эмас умрбод,  
Ичимда бўлса фарёд,  
Қайдан биласан, болам.

Гоҳ йўниб гоҳ йўнмасдан,  
Яшайгман ўлмасдан,

Ўзинг ота бўлмасдан,  
Қайдан биласан, болам.  
Қандай биласан, болам.

### **ЭЛЛИК ЕШ ШЕЪРИ**

Болалигим қадим ўтган замонларда қолиб кетди,  
Алпомишлар от ўйнатган майдонларда қолиб кетди.  
Гўрўғлибек этагидан тутиб дашту саҳро кездим,  
Хору хаслар, тошлар тилган товонларда қолиб кетди.

Юлдузларга ошиқ эдим, энди мени танимаслар,  
Орамизга тушганми ё мугамбирлар, ғаламислар,  
Юлдузлардан ўзиб кетган хаёллару ажиб хислар  
Қумлар босган қалъаларда, қўрғонларда қолиб кетди.

Бола эдим, бир югурсам, қуюнлардан ўзар эдим,  
Қўлни чўзсам, кўк тоқидан қуёшни ҳам узар эдим,  
Дулдул бўлиб учар эдим, балиқ бўлиб сузар эдим,  
Улар олис йиллар чанги—тўзонларда қолиб кетди.

У пайт турмуш оғир эди, бир ҳовлида ўн жон эдик,  
Ора -сира тансиқ таом—қайиш ердик, ўмоч ердик,  
Биргадирнинг қабогига қараб бошоқ-машоқ тердик,  
Бари ўтди, шалдир-шулдур ёвгонларда қолиб кетди.

Ёдимда бор, бир кун ногоҳ юрагимга тушди гулув,  
Бир қиз кўрдим ой десам-- ой, кун десам ул кундан сулув,  
У замонлар қўй боқардим дала оша сўрув-сўрув,  
Армон--дилда, кунгил ўша ёбонларда қолиб кетди.

Ҳисларимни элаб-элаб совурдиму елга бердим,  
Суйганимга “ака” бўлдим, бегонага эрга бердим,  
“Қўли бўлгин, қуёшим!”-деб кўксимни зах ерга бердим,  
Яхши бўлдим, яхшигинам ёмонларда қолиб кетди.

Бир кун дедим: “Эй Сулаймон, сента не бор Шофирқонда,  
Ҳамма ер ҳам битта Ватан, ҳамма ер ҳам бир макон-да!”  
Энди дейман: “Наҳот кўрмай ўтиб кетсам шу армонда!”  
Орзуларим Деновларда, Жилвонларда қолиб кетди.

Элни кездим, бирни кўриб фикр қилдим, шукр қилдим,  
Ноним ҳалол бўлсин дея белни бироз букур қилдим,  
Хотири жам бўлиб тунлар роҳат қилдим, ҳузур қилдим,  
Ярим ризқим гарчи қай бир хирмонларда қолиб кетди.

Қутулмади кўнглим менинг шоирликнинг даъвосидан,  
Ё менга ҳам берганмикан Тангри унинг ҳавосидан,  
Бир ўша деб бу ҳаётнинг кечдим қанча сафосидан,  
Битганларим болиш бўлиб тахмонларда қолиб кетди.

Шеър дегани нима ўзи, ундан азиз нарса йўқми?  
Нима топдим юрагимга солиб шеър деган чўғни?  
УМР деган бир хилқат бор, у яшиндан ўзар ўққи,  
Пушаймонлар билан тўлган кулдонларда қолиб кетди.

Отам қайда, онам қани, дали-гули акам қани,  
Дардларимнинг саноғига сўз қани-ю рақам қани,  
Кўрсатинглар менга ўша ҳақиқатни, ҳакам қани,  
Наъра тортдим, садолари осмонларда қолиб кетди.

Унча ширин эмас экан аммо ҳаёт деганлари,  
Ким олибди ҳисобини келганлару кетганларни,  
Ёрлақасин Худойимнинг жамолига етганларни,  
Бу дунёнинг ҳикматлари нодонларда қолиб кетди.

Оҳори йўқ эгин-бошда кутиб олдим эллигимни,  
Лек ҳаммага берсин экан бироз юрак кенглигини,  
Бу тор дунё қайдан билсин фақирликнинг нелигини,  
Унинг ўтмас матоҳлари дўконларда қолиб кетди.

Энди билдим умр надир, ҳаёт нима, нима тақдир,  
Қадрлидир ҳар нарса, ки ул борида топса қадр,  
Қадр тилаб, қиммат тилаб, курашмаган киши марддир,  
Бор имконлар мен боқмаган маконларда қолиб кетди.

Юз йил яшаб, юз йил ўрган кўҳна ҳаёт сабоғини,  
Эҳ, очмаса-очмабди-да кимдир сенга қабоғини,  
Титкиласам гоҳо-гоҳо хотиралар равоғини,  
Садо келар: “Улар ўтган замонларда қолиб кетди!”

Шукр дейман ўтганига, шукр дейман Худойимга,  
Умр бергин ўгил-қизим, барака бер буғдойимга,  
Бир кун келиб қўл очсалар, оҳ, менинг ҳам дуойимга,  
Айтмасинлар: “Кўнгли Моҳитобонларда” қолиб кетди”.

Йўқ-йўқ асло ўкинмайман қаёнга йўл солиб кетсам,  
Нима килпти кимдан бир сўз, кимдан ҳикмат олиб ўтсам,  
Юртимнинг ҳар қарич ери Ватанимдир, шарҳин этсам,  
Айтмасинлар: “Жисми унинг Котонларда қолиб кетди”.

Омон бўлсин шу она-юрт, шу она-эл, она-Ватан,  
Дарёлари дурга тўлсин, саҳролари бўлсин чаман,  
Мендан қолса, мендан жасур, мендан ботир, темирбадан  
Гўрўғлидай, Алпомишдай ўғлонларда қолиб кетсин.

Болалигим қадим ўтган замонларда қолиб кетди...

\* Моҳитобон-Хўжа Ориф Моҳитобон. Шофирконнинг қадимги номларидан бири.

\* \* \*

Кунларни санайман соғиниб сени,  
Ойларни санайман соғиниб сени,  
Йўлларга қарайман соғиниб сени,  
Жонинг саломатми, бормисан, эй дўст?

Меҳр кўзда бўлса— кўзларинг кўрсам,  
Сўхбатингга етсам, сўзинг эшитсам,  
Елсаму югурсам, хизматинг қилсам,  
Жонинг саломатми, бормисан, эй дўст?

Меҳр нима қилсин дўсти йўқларда,  
Дўстларига айтар сўзи йўқларда,  
Бу дунёда дўстни дўсти йўқлар-да,  
Жонинг саломатми, бормисан, эй дўст?

Бизлар-ку ўтармиз, биздан не қолар,  
Бизлар-ку кетармиз қора ер қолар,  
Шоир айтганидек бир меҳр қолар,  
Жонинг саломатми, бормисан, эй дўст?

Билмадим, сўзларим балки хатодир,  
Ва лекин ҳар кўнгил дўстга галодир,  
Мен нидо айладим, сен ҳам садо қил,  
Жонинг саломатми, бормисан, эй дўст?

\* \* \*

#### ЎҒЛИМга.

Кўксимни армонлар кемириб ётар,  
Улар—орзуларнинг ҳур чечаклари.  
Ғуссали саҳарлар мени уйғотар,  
Менга болиш бўлар ғам—кечалари.  
Баҳорда кузакнинг япроқларини  
Мен кўрдим, фақат сен кўрмагин, болам.

Мен кўзлаган юлдуз кўп баланд экан,  
Гарчи босиб турар елкамдан осмон.  
Нетай, хаёлларим мудом панд берган,  
Хаёлсиз яшамоқ нақадар осон!  
Ҳаётнинг минг бир хил алдоқларини  
Мен кўрдим, фақат сен кўрмагин, болам.

Йигитлигим ўтди жим-жит ел каби,  
Юрагим қабарди, кўлларим эмас.  
Билмадим, балки бу шоирнинг қалби,  
Балки бу шунчаки эрмак ё ҳавас...  
Ҳарқалай, юракнинг титроқларини  
Мен кўрдим, фақат сен кўрмагин, болам.

Кўнглимни кенг тутсам, дунё тор бўлди,  
Савдосиз ўтмади кунлар, ойларим.  
Гоҳида шайтонлар менга ёр бўлди,  
Қувончимдан кўпдир пушаймонларим.  
Ҳасаднинг қон қусган қароқларини  
Мен кўрдим, фақат сен кўрмагин, болам.

Бир куни ёстиқда қолганда бошим,  
Азроил турганда жонимни сўраб,  
Дедим: “Бир ширин сўз бўлсайди кошки,  
Дўстларим келсалар теграмни ўраб...”  
Ушандоқ жаҳаннам қийноқларни  
Мен кўрдим, фақат сен кўрмагин, болам.

Кўнглим диёрида мусофир бўлдим,  
Бу кундан дарбадар юрган яхшироқ.  
Узлатда ўзимга мусоҳиб бўлдим,  
Бир ҳамдам топмадим жонга яқинроқ.  
Фурбатнинг жон ўртар фироқларини  
Мен кўрдим, фақат сен кўрмагин, болам.

Бир яхши ном кўйдим, суйдим эркалаб,  
Боқсам—эслатасан гўдак чоғимни.  
Худодан сўрайман ҳар тонг-эрталаб,  
Кўрмасдан ўтай деб дарду доғингни.  
Қисматинг бу чигал жумбоқларини  
Мен кўрдим, фақат сен кўрмагин, болам.

## ШАРИФ НУРХОН

Япроқларнинг суҳбатин тинглаб,  
Кўксимдаги ғамларни ювдим.  
Кулса—кулиб, йиғласа—йиғлаб,  
Майсаларнинг бошида турдим.

Менга ошно ҳеч ким суймаган  
Ҳатто тиканларнинг лисони.  
Гул қолмади меҳрим туймаган,  
Тушунмадим фақат инсонни.

Алмашади фасллар, аммо  
Тикан бўлиб унади тикан.  
Одам эса бундаймас асло—  
Турланаркан, тусланар экан.

Бу қандай жон,  
Бу қандай жумбоқ?  
Ўйлаб на бир ўйимга етдим.  
Гоҳо ювош, гоҳида бебош  
Бу хилқатни тушунмай кетдим.

## ШОИР, УСТА ВА ТОБУТСОЗ БАҲСИ

Ўсар эди улкан бир дарахт,  
Тўпланишиб бунда айнаи ёз,  
Баҳслашиб қолдилар бир вақт  
Шоир, уста ҳамда тобутсоз.

Мавзу аён: яъни бу терак  
Арзийдими бирор буюмга?  
Ҳар биттаси пухта ва аниқ  
Вазифани юклади унга.

Шоир деди: “Айнаи шу дамлар  
Ошиқларга бўлар соябон.  
Соясида йўловчилар ҳам  
Роҳатланиб кетар беармон”.

Уста деди: “Тўсинбоп-да зап,  
Худди илон оғзидан чиққан...  
“Мана бундоқ” эшик, ром ясаб  
Янги уйга ўрнатсаммикан?..”

Тобутсоз ҳам қолмади четда,  
Мақсадини айлади баён.  
У сўзини тугатмай ҳали  
Бошланди-ку мислсиз тўфон.

Эгаллади борлиқни зулмат,  
Келарди бир фалокат яқин.  
Ана, зулмат қўйнида шу пайт  
Бот-бот чақнаб қолди-ку чақин!

Айни ёз-а!  
Қисматми экан,  
Ётдими ё фалакка доди:  
Яшин тегди дарахтга...  
Улкан  
Терақдан бир парча кул қолди.

О, бормисан одил табиат,  
Нафасингдан тикан гул бўлсин.  
Лекин кимда бўлса шум ният  
Шу дархтдай ёниб кул бўлсин!

## **ЮРАК**

Қушим, сенга қийин,  
Отилган ҳар тош  
Аввал менга эмас, сенга тегди.  
Билмадим, тошданми сендаги бардош,  
Билмадим, бу жоним сенсиз нетади.

Айт-чи, нима топдинг бу тор қафасда,  
Оромни билмайсан қирқ йилдан буён.  
Мен эса ёнаман бошқа ҳавасда,  
Сен ҳам дардларингни тутасан пинҳон.

Менга жоним ширин, қушгинам, билсанг,  
Аммо сенга тегар менга келган ўқ.  
Фақат имқонинг йўқ чап берай, десанг,  
Учиб кетай, десанг— қанотларинг йўқ.

## **ҲОЛАТ**

Қунлар шундай узун—  
Йилга татирли.  
Йиллар асрлардай чўзилади гоҳ.

Зерикиб кетасан киши,  
Айтарли,  
Бирор ишга қўлинг бормайди мутлоқ.

Хаёл дарёсига чўкиб кетасан,  
Беписанд, туйғусиз боқиб ҳаётга.  
Ва лекин ногаҳон чўчиб кетасан  
Умр қисқалиги тушганда ёдга.

\* \* \*

Ёмғир ёғар, ёмғир ёғар, ёмғир ёғар,  
Бир гўзал қиз деразадан маъсум боқар.  
Ҳали сочи икки қилиб ўрилмаган,  
Тирсиллаган ёноғи бир ўпилмаган.  
Ёмғирдан ҳам тоза ҳали хаёллари,  
Хаёллари балки сирли саволлари.  
Нималарни ўйламоқда, ким билади,  
Деразадан нега бунча тикилади?  
Нима тилар ва ё кимни қутаётир,  
Хаёлидан бу дам нелар ўтаётир.  
Деразанинг кўзларидан ёшлар оқар,  
Ёмғир, ёғар, ёмғир ёғар, ёмғир ёғар...  
Қари тулки дунё қизга сир бой бермас,  
Ичимдагин топ ҳам демас, бир сўз демас.  
Фариштадай кўринади қиз кўзига,  
Уни жуда яқин олар қиз ўзига.  
Ўйнашгиси, сирлашгиси келар, аммо  
Сокин дунё пинагини бузмас ҳатто.  
У муғамбир, пихин ёрган кар ва соқов,  
Ҳам сийқаси чиқиб кетган чўлтоқ косов.  
Ялтирайди-юлтирайди, жимирлайди,  
Унинг нағма-найрангларин қиз билмайди.  
У билмайди дунё надир, у не хилқат,  
Тотли-тотли ўйлар билан банд у фақат.  
Бир кун келиб деразани ёмғир эмас,  
Челак-челак қуйилган сел, жала эмас,  
Кўз ёшлари ювишини, оқишини,  
Узи эса бунда маъюс боқишини  
Тасаввур ҳам қилолмайди гўзал, содда,  
Фақат нур бор деб ўйлайди бу дунёда.  
Ҳозир эса деразадан маъюс боқар,  
Ёмғир ёғар, ёмғир ёғар, ёмғир ёғар...

## БАҲОР

Майин эсан сабодан  
Лолалар шўх рақс этар.  
Лола пиёласида  
Алвон қуёш акс этар.  
Ирмоқ, сойлар иргишлаб  
Пойга қўяр, баҳс этар,  
Момоқаймоқ погоғи  
Оҳиста елдан тўзар.  
Нақадар кўркам баҳор,  
Баҳор нақадар гўзал.

Ёмғир ювиб ўтган йўл  
Ернинг кумуш камари.  
Йўл бўйида толларнинг  
Товланар баданлари.  
Самоларда оқ-қора  
Булутларнинг жанглари:  
Яшин, момогулдурак  
Бутун оламини бузар.  
Нақадар кўркам баҳор,  
Баҳор нақадар гўзал.

Ҳаёт нақадар ширин,  
Яшаш нақадар гаштли.  
Мингга гуссанг бўлса ҳам  
Бир зумда қайтар шашти.  
Бугун бўлмаса, қачон—  
Яшнар умр дарахти.  
Қани, туринг, кетайлик  
Дала-қирларга, дўстлар,  
Нақадар кўркам баҳор,  
Баҳор нақадар гўзал!

\* \* \*

Кимга вафо қилибди бақоси йўқ бу дунё,  
Умр боди фанодан ўчиб қолар мисли шамъ.  
Ўтганларнинг хотирин ёдга олганда гоҳо,  
Қаторида уларнинг эслаб қўйинг мени ҳам.

Қўнар экан кафтларга болаликнинг юлдузи,  
Улғайганда билмаслар, юлдуз бу нима ўзи,

Ажаб, умр ўтаркан ҳали очилмай кўзи...  
Юлдузларни кўрганда эслаб қўйинг мени ҳам.

Юлдузларнинг сайрида дуч келдим бир малакка,  
Сабоқ берди менга у дод этмоқдан фалакка,  
Оқибат ёлғиз фалак олдида қолдим якка,  
Ошиқларни кўрганда эслаб қўйинг мени ҳам.

Мен онамни танидим дунёдан сал олдинроқ,  
Айбим не, берган бўлса Худойим шундай идрок,  
Аввал кўзга кўрингай нима бўлса яқинроқ,  
Ё. Худоё, деганда эслаб қўйинг мени ҳам.

“Ватан”, “она-юрт” асли либоси йўқ сўзлардир,  
Ватан асли ҳайратлар ёнган қора кўзлардир,  
Аммо буни англамай не умрлар тўзадир,  
Ул кўзларни кўрганда эслаб қўйинг мени ҳам.

Бир қултум сув, парча нон—ор-номуснинг таоми,  
Доим билавермайди буни бадавлат оми,  
Нечун мангу яшайди Ҳотам-ут Тайнинг номи,  
Фақирларни кўрганда эслаб қўйинг мени ҳам.

Ўзгармади бу дунё менинг хоҳишим билан,  
Булмади унинг иши наво-нолишим билан,  
Биламан, бир наф чиқмас ўзни койишим билан,  
Нолонларни кўрганда эслаб қўйинг мени ҳам.

Гоҳ ким билан яхшию, ким билан ёмон бўлдим,  
Аммо шеърят томон--яхшилик томон бўлдим,  
Хирмонида назмнинг дон ёки сомон бўлдим,  
Кимга шоир, кимгадир ошиқ Сулаймон бўлдим.

Аммо бирдай суйдим мен шеъру она элни ҳам,  
Ҳарқалай, шеър деганда эслаб қўйинг мени ҳам.

\* \* \*

Айро тушса йўлларимиз,  
Ғанимларнинг не ғами бор.  
Қовушмаса дилларимиз,  
Ғанимларнинг не ғами бор.

Кимда бўлмас қусур, хато,  
Борми қийиғи йўқ мато.

Таъна қилар у дўстнамо—  
Фанимларнинг не ғами бор.

Қоқиламиз, қулаймизми,  
Ғам даштида тунаймизми.  
Ёнамизми, қуямизми,  
Фанимларнинг не ғами бор.

Осмон қулаб бошимизга,  
Оғу тушиб ошимизга,  
Тегса ғурбат тоши бизга,  
Фанимларнинг не ғами бор.

Амаллари—биздан кулмак,  
Биз қуласак—қувнаб турмак,  
Ай, шундайин ғамдан бўлак  
Фанимларнинг не ғами бор?

\* \* \*

Сен мени чорладинг ва лекин  
Оёғим тортмади—бормадим.  
Сен мендан ортиқсан, мен эса  
Ўзимдан ортмадим, ортмадим.

Қўй гина-кадарни,  
Биз ахир  
Сув билан оташмиз—бошқамиз.  
Худомиз биттаю ва лекин  
Сен ўтдан, мен сувдан қочамиз.

Боргуси жойимиз ҳам тайин,  
Муҳлатлар турфа-ю бир турбат.  
Керакмас ортиқча қуюнмак,  
Керакмас ортиқча “оҳ” урмак.

Қалбингга қулоқ сол, не дер у.  
Менга-ку малолмас бормоғим.  
Ўзимдан ортмоқ ҳам қийинмас,  
Не қилай тортмаса оёғим.

## **ТУЛКИ**

Тақсимотчи тулкивой  
Тайинланган ҳар жойда

Билмайсиз, кимга зиён,  
Кимга тегишин фойда.

У маккор ва ғаламис  
Дейди: “Бу иш кўп савоб.  
Ишонинг, мен бор жойда  
На сих куяр, на кабоб!”

Кўзбойловчи, жодугар  
Ип эшолмас қошида.  
Сеҳргарнинг қалпоғи  
Гўё унинг бошида.

“Ундоқ” қилса-кўрмайсиз,  
Сезмайсиз қилса “бундоқ”.  
Сўнгра дейди мулойим:  
“Сизга тегмади, ўртоқ...”

Бордан йўқ қила олур,  
Сувдан яратар сароб.  
Аммо сизга оқибат  
На сих тегар, на кабоб.

\* \* \*

Йўқотиб қўяман сени гоҳида  
Жулдур хотиротнинг ғаладонида.  
Тун ичра бир нима излаган мисол  
Сени қидиргайман маҳзун, хафаҳол.  
Олис хотиралар чорлаган заҳот  
Энг яқин юлдуздай порлайсан, ҳайҳот!  
Ҳайҳот, нурли бўлар шунда ўйларим,  
Нур билан тўлади юрган йўлларим.  
Шунда бу тунд кўнглим келар ёришиб,  
Ва ўзим кетаман нурга қоришиб.  
Сени топаману аммо шу замон  
Ўзимни йўқотиб қўяман тамом...

## **ҚОРА ДЕНГИЗ**

**Туркман шоираси НОЗИК хонимга**  
Истаса, бир коса қаймоқдай бўлиб,  
Жиловлаб ётади тўлқинларини.  
Истаса, дев каби ғазабга тўлиб,  
С смонга сачратар кўпикларини.

Куч йўқки, бас келса иродасига,  
Ўз эрки ўзининг қўлида ҳар дам.  
Ҳаёт тўфонларин қасдма-қасдига  
Денгизга ўхшагим келар менинг ҳам.

## **ОНАЛАР**

**“Қора кунларим” туркумидан.**  
“Бир кун майса бўлиб унаман”, - дерди  
Онам охиратин ўйлаб ғамбода.  
Оқибат ўша кун бошимга келди,  
Онам йўқ, онам йўқ энди дунёда.

Осмон баланд энди, ер ҳам тош қотган,  
Тошдан ҳам қаттиқроқ экан-ку сабрим. \\\nМана бу—майсага кўмилиб ётган—  
Менинг мушфиққина онамнинг қабри!

Наҳот майса бўлиб унса одамзод!  
Нега ишонмасдим, англамас эдим?  
Унинг дардарини билсайдим, ҳайҳот,  
Мен бугун фифонлар айламас эдим.

Сен энди таскинлар излама, юрак,  
Улар ҳеч нимага ярамайдилар.  
Оналар не деса ишонмоқ керак,  
Оналар ҳеч қачон алдамайдилар.

## **ШОИР БЎЛИНГ**

Томчида акс этар қуёш,  
Олам сигмас тасаввурга.  
Пойга қўйса етишолмас  
Яшинлар ҳам тафаккурга.  
Бу не ҳайрат, не мўъжиза,  
Сигдиролмас гоҳо юрак.  
Ҳаяжонни босмоқ учун,  
Айтинг, нима қилмоқ керак?  
Қафасдаги қушча каби  
Дил потирлаб ўйноқласа,  
Замин қолиб, замон қолиб,  
Фалак сизни сўроқласа—

Бунинг битта чораси бор:  
Сабр қилинг, собир бўлинг.  
Ёрлақабмиш сизни Худо,  
Азизим, сиз шоир бўлинг,

Янги Ойнинг балдоғига  
Тегиб ўтса хаёлингиз,  
Дунё бўйлаб жавобларни  
Излаб кетса саволингиз;  
Қани энди тўлиб-тошган  
Юракни бир бўшатсангиз,  
Ва, бу ҳолни фарзанд кўрган  
Бир аёлга ўхшатсангиз;  
Кўнгил тўлмай бу ташбиҳдан  
Чўксангиз СЎЗ уммониغا,  
Ўт қўйсангиз бедардликнинг  
Мудраб ётган ўрмониغا.  
Сўнг тиз чўкиб ёногини  
Силасангиз лолагулнинг,  
Йиғиштиринг бошқа ишни,  
Азизим, сиз шоир бўлинг.

Хаёллардан қанот ясаб,  
Мозийларни ўйласангиз,  
Тасаввурлар етолмаган  
Уфқларни бўйласангиз,  
Борлиқ олам улоқ бўлса,  
Иларман деб қувласангиз,  
Шофирконда ёнбошлаб, оҳ,  
Арктикада гулласангиз.  
Демак сизда бир гап борки,  
Ўхшамайсиз ўзгаларга.  
Бошқоронғи бўласиз гоҳ  
Гўзаллар, гоҳ бўзаларга.  
Йўқ, шунчаки гап эмас бу,  
Белидасиз чорсу йўлнинг.  
Оқ йўл сизга, олға энди,  
Азизим, сиз шоир бўлинг.

Бола-чақа бир гап бўлар,  
Рўзгор учун ташвиш чекманг.

Қўя туринг иморатни,  
Қишни ўйлаб галла экманг.  
Пул не керак-қўлнинг кири,  
Усиз ҳам кун ўтаверар,  
Омон бўлса дарди йўқлар  
Сиз учун кун кўраверар.  
Кўлингизга тутибдилар  
Маърифатнинг шиорини,  
Шуҳратини ёйинг энди.  
Боболарнинг диёрини.  
Давраларга бормоқ шартмас,  
Баҳридан ҳам кечинг тўйнинг,  
Ўзни шайланг азобларга,  
Азизим, сиз шоир бўлинг.

Бу унчалик қийин ишмас,  
Айтсин девонайи Машраб.  
Ҳозик айтсин тили бўлса,  
Бу шундайин қисмат, ажаб...  
Дантеслару Насруллолар  
Ўтган, яна ўтар-кетар,  
Кушдан кўрққан тариқ экмас,  
Таваккалнинг иши битар.  
Дунё ўзи омонату  
Бандаси кўп эҳтиёткор.  
Тўнкарилган ҳар косанинг  
Тагида бир нимкоса бор.  
Ибтидосй балки жўн бу  
Интиҳоси оғир йўлнинг  
Азоблари кўрқитмаса,  
Азизим, сиз шоир бўлинг.

Ўйларингиз гоҳо маҳзун,  
Гоҳ қувноқ, гоҳ чақин бўлса,  
Сўзларингиз кўкка эмас,  
Кўнгулларга яқин бўлса...  
Эзгу сўзни алқайди эл,  
Азиз билар нони қадар,  
“Шоирим”, деб эркалайди,  
Қадрлайди жони қадар.  
Ва лекин сиз шараф учун  
Қораламай қоғозларни,  
Орзу қилмай гулчамбару  
Аллақандай парвозларни—

Бир сўз билан очолсангиз  
дарвозасин ҳар кўнгилнинг,  
Бошқа гапнинг ҳожати йўқ,  
Азизим, сиз шоир бўлинг.

Йигит шаъни ёри бўлса,  
Миллат шаъни Ватан ахир.  
Минг элатли Ватан ичра  
Битта қисмат, битта тақдир.  
Балки битта элат учун  
Минг том, мингта чодир керак,  
Аммо мингта элат учун  
Ҳеч йўқса бир шоир керак!  
Билмам, сизга тегармикан  
Кимнингдир бир ҳимояти,  
Лекин бугун сизга бўлмиш  
Оллоҳимнинг инояти.  
Мана сизга давот, қалам,  
СЎЗ—Зухра, СИЗ—Тоҳир бўлинг.  
Мухлисингиз бўлай мен ҳам,  
Азизим, сиз ШОИР бўлинг.

## **ЕСЕНИН. 1925 ЙИЛ**

О шўрлик Русь!  
Бия табиат!  
Чой ўрнида ичганинг—бода!  
Ароқ бўлса танинг ҳам сиҳат,  
Чўқинасан ароққа тонгдан!

У борки сен турибсан собит,  
Хаёлинг ҳам кезар фалакда.  
Жонсиз мужик ва карахт зобит  
Ароқ десанг тирилгай қайта.

Бир қултум май учун ўзингни  
Осмонлардан ташлай оласан.  
Алвидо!  
Мен ювдим қўлимни,  
Сен менсиз ҳам яшай оласан!

## **ХОНАДОН**

— Ҳамид РАВШАНОВга

Бу уйда ҳазрати Хизр тунаган,  
Хазина ўрнида қолдирган дуо.

Ҳеч кимдан меҳрини дариг тутмаган  
Ҳар кимни ушмундоқ ёрлақар Худо.  
Бу уйнинг томидан Қадр кечаси  
Ой бўлиб ўтганда Лайлатулқадр:  
“Элим омон бўлсин!”—деган эгаси,  
Ва шул муродига еткурган тақдир.  
Бу уйга қўноқлар етти иқлимдан  
Келганлар дўст билан дийдорлашгани.  
Машваратлар бўлган гоҳо илмдан,  
Гоҳо инсонликдан айтилган маъни.  
Йўқ, мен тўқимадим буларни атай,  
Ва ё эҳтирос деб ўйламамг хато.  
“Ҳақ рост!”, деб кўнгилдан кечса, ҳарқалай,  
“Ҳақ рост!”, деб деворлар берурлар садо.  
Гарчи остонаси тиллодан эмас,  
Гарчи зулфинлари кумушдан тугул,  
Кўнгулда эзгулик билан кирсанг, бас,  
Осон ечилади ҳар қандай мушкул.  
Бу уйнинг эгаси йиғар дўсту ёр,  
Бағри ҳам феълидай олам-жаҳондир.  
Бу уйнинг тўрига сигар Бухоро,  
Бу уй жажжигина Ўзбекистондир.

## ЖУДОЛИК

“Кўнгил сирлари” туркумидан.

Бир йиғласам, ўксиб йиғласам,  
Зир титраса ер билан осмон.  
Юрагимнинг қат-қатларидан  
Эриб оқса дардлар беармон.

Ёмғирдан сўнг қуёшни кўрган  
Майсалардай яйраса таним.  
Эҳ, кўксимда майсалардан ҳам  
Кўпроқ эрур жароҳатларим.

Шодликларни соғинган кўнглим  
Бўй бермаса юлдузларга ҳам.  
Ва, жаннатга айланиб қолса  
Дўзах бўлиб кўринган олам.

Бир гўдакдай қувнаб ўйнасам  
Яширолмай ҳайратларимни.  
Олиб кетса еллар сугуриб  
Кўксимдаги ҳасратларимни.

Бу тош қотган дийдаларимдан  
Фавворадай отилса ёшлар.  
Эриб оқса...  
Эриб оқса, оҳ,  
Юрагимга қадалган тошлар.

Қалдирғочдай учиб кетганлар  
Қайларгадир табассумларим.  
Мен тонгларни соғиндим ахир,  
Қачон тугар қора тунларим?

Гарчи онам дийдори энди  
Насиб бўлгай фақат тушимда,  
Аммо тақдир тегирмонини  
Айлантирар ҳануз бошимда.

Ҳануз менинг кўксимда доғ бор.  
Кун бермайди ҳануз ғамларим.  
Қайлардасиз, тонгдай бегубор,  
Хаёлимдай мунис дамларим?

.. Бир йиғласам,  
Туйиб йиғласам,  
Зир титраса ер билан осмон.  
Юрагимнинг қат-қатларидан  
Эриб оқса дардлар беармон.

\* \* \*

Мани, эй ёлғиз Оллоҳим, ёмонга ошино қилма,  
Мақонимни ёмонларнинг ёвуғинда бино қилма.

Ҳаёт отлиғ бу очунда адашсам ё хато қилеам,  
Жазога мустаҳқиқдирман, вале жондан жудо қилма.

Ўзинг боис бу оламга, келибман бир зиё истаб,  
Қароғимни очиб, кўнгил кўзимни нобино қилма.

Аюрма аввало иймон, ишончу эътиқодимдан,  
Фақир бандангни муслим аҳли ичра рўсиё қилма.

Қабул айла қаро тунлар тазарру бирла ёлборсам,  
Илоё, ноумид қилма, гирифтори бало қилма.

Ватанда кўз очибман, шул Ватанда кўз юмай дейман,  
Ватансизлар қаторинда ғарибу бенаво қилма.

Ўзинг танҳо улугдирсан, Ўзингдан ўзгани билмам,  
Ҳама тоатларимни бир ишорат бирла “ло” қилма.

\* \* \*

Кўрқма кўффақ сенга тиш қайраб гаҳи ҳурғонида,  
Асли кўффақ ҳурпаюр бир нарсалин ҳурқонида.

Мисли кўффақ кимсалар бор, беҳуда ирғишлагай,  
Ул сабабдинким, кўзур ҳар лаҳза кўрқув қонида.

Тарки одат кўп маҳолдир, сен ажабланма, рафиқ,  
Гоҳида олса оёқдин ё бетга чанг урғонида.

Итга ит марғи, дегайлар, бу нақлнинг маънисини—  
Ит бўлиб келғонию ҳам ит бўлиб ўлғонида.

Итни кўнгли бир суяк эрса, ани осмонга от.  
Сўнг эса қилғил тамошо занжирин узғонида.

Чайнамақдин ўзга ҳеч бир мақсади йўқдир анинг,  
Бир суяк дунё бўлиб кўз олдида турғонида.

Сен-да кўрқма, эй Сулаймон, бир суяк ёнингда тут  
Гар омонлик истасанг сен бу ҳаёт кўрғонида.

## ҚАФАСДАГИ АРСЛОН

Дарғазаб уради панжаларини  
Синдириб кўйгудек панжараларни.  
Кўзлари уйғонган вулқоннинг оғзи  
Ер-кўкни титратар наъра— овози.  
Сапчиса— томни ҳам тешиб ўтгудек  
Чўзилса— чўзилиб бир тоғ ётгудек.  
“Ҳолинг шуми?”— дея боқади ҳайрон  
Томошабин— яъни голиб оломон.  
Бири раҳми келиб ачинар, бироқ  
Бошқаси тушунмас, этолмас идрок.  
“Ҳап, қўлга тушдингми? — минғирлар бири—  
Ҳотиржам ва кўрқоқ ва муғамбири—  
—Кеча голиб эдинг, бугун мағлубсан  
Мағлублигинг билан энди маълумсан!”

Ким олма отади, ким бир парча нон,  
Кимдир мазах қилиб кулар беармон.  
Аммо у боқади мағрур, беписанд,  
Важоҳати буюк, кўкраги баланд.  
Бу қандай томоша—  
Унга нима ғам,  
Арслон—арслон ахир тутқунликда ҳам!

\* \* \*

Нақадар бахтлисан, дўстим, нақадар,  
Бошингга юлдузлар сочади само.  
Кўлинг чўзсанг етар Машриққа қадар,  
Машриқ қайдалигин билмайсан, аммо.

Иқбол яралгандек гўё сен учун,  
Бир малак сиймони берибди тақдир.  
—Севиб эришганман,— дейсан-ку бугун,  
Севги нелигини билмайсан, тақир.

Нон топмоқ ўлимдай оғир замонда  
Яшайсан ҳаммадан эркин, фаровон.  
Нонки, пайдо бўлар тер билан қондан,  
Сен қайдан билардинг буни, эй полвон!

Таърифинг ошириб юбордим чоғи,  
Бундан ўзимнинг ҳам қаҳрим келади.  
Йўқ, ҳасад қилмайман сенга, пистоқи,  
Негадир шунчаки... раҳмим келади.

Нақадар бахтлисан, дўстим, нақадар...

## **ИРМОҚЛАР**

Қиқирлаб оқамиз гоҳо сержаранг,  
Милдираб оқамиз гоҳида сокин.  
Ҳали бегонадир бизларга яланг,  
Ҳали бегонадир тўпаланг-тошқин.

Бизларга бегона хусумат, ҳасад,  
Биз уммон бўлишни қилмаймиз даъво.  
Ва лекин... ва лекин бизлар бўлмасак,  
На уммон тўлади, на тошар дарё.

## БУХОРО

Лабиховуз — лайлакнинг  
Қолдириб кетган кўзи,  
Кечалар унга боқиб  
Ой сочларин тарайди.  
Минораи Калон ҳам  
Хўжа Хизрнинг ўзи,  
Дунёни бир ён қўйиб,  
Бухорони сўрайди.

Жинкўчалар қизларнинг  
Жамалак сочларидир,  
Саратонда Ҳамалнинг  
Еллари кезиб юрар.  
Қалдирғочлар мозийнинг  
Балки тилмочларидир,  
Уларнинг чуғуридан  
Юраклар фахр туяр.

Уч тоқ, уч тим—уч карвон,  
Тин олгани чўккан-у  
Шу ер ёқиб қолганми,  
Ҳеч жилгиси келмайди.  
Гумбазларга товус ҳам  
Патларини тўккану  
Энди териб олишнинг  
Чорасини билмайди.

Тўрт қаландар— Чорминор,  
Жаҳонгашта тўрт фозил.  
Биласизми, не ҳақда  
Ўй суришар шу онда?  
Сўрасангиз айтишар:  
“Минг йил аввал ва ҳозир  
Бухородан гўзалроқ  
Шаҳар йўқдир дунёда!”

\* \* \*

Гул излаб бу боққа не учун кирдим,  
Ҳар ён заъфарондир, кузга ўхшамас.  
Япроқларда қотган шабнамни кўрдим,  
Муз каби совуқ, лек музга ўхшамас.

Бунда сайр қилур бир туда кибор,  
Юзлари шамъ каби силлиқ, бегубор.  
На бир ҳаяжон бор, на бир туйғу бор,  
Булар чеҳра эмас, юзга ўхшамас.

Бир сохта табассум, ёлғон табассум  
Уларни кўрсатур мўъмин ва маъсум,  
Келганга нон ва туз тутарлар ҳар зум,  
Татиб кўрсанг тахир—тузга ўхшамас.

Не сабаб бу боққа тушибди йўлим,  
Ўнгим қайда менинг, қаёнда сўлим.  
Юр энди, бу ердан кетайлик, кўнглим,  
Улар бизга ётдир, бизга ўхшамас.

Гул излаб бу боққа не учун кирдим?

## **ВИДО**

**Шоир Чори АВАЗ хотираси.**

Урён шифтга боқиб кўзларим толди,  
Қаён кетмоқдаман—тушми бу, рўё?  
Сенга айтолмаган сўзларим қолди,  
Қулоғи том битган эй, сўқир дунё!

Фафлатда қолдимми яна тонг олди,  
Ё тун бошландими яна қайтадан?  
Сенга айтолмаган сўзларим қолди,  
Мен ҳали камолин кўрмаган Ватан!

Юракда нимадир ёмо-о-н кўзғолди,  
Сен ҳозир туш кўриб ётарсан балким.  
Сенга айтолмаган сўзларим қолди,  
Нидоларим сенга етгайми, халқим!

Тақдирга тан бердим. Яна не қолди?  
Жон қолди. Бўғзимда турибди жон ҳам.  
Сизга айтолмаган сўзларим қолди,  
Мени ёлғизгина англаган онам...

## **МАРТ**

Яна кўкни қоплади булут,  
Яна ёмғир... айланар қорга.  
Энди ҳатто тош ёғмайдим—  
Бизлар етиб келдик баҳорга!

Бунча имиллайди қарғалар,  
Бошқоронгими улар қорга?  
Бизга нима, азизим, бизлар  
Ахир етиб келдик баҳорга!

\* \* \*

Бу тонг ўзгачадир, бу тонг бошқадир,  
Демагин, кечаги нурли тонг қани?  
Сен тонгни сўрайсан, ахир тонг надир,  
Ҳозир ўтиб кетган лаҳза—он қани?

Тангрим қўлидадир фурсат жилови,  
Меъёр билан бўлур унинг сийлови,  
Ҳар лаҳза умрнинг бордир сўрови,  
Жисм қайда қолди, азиз жон қани?

Аршу Арз ораси бизга ошиён,  
Бир кун макондамиз, бир кун— ломакон,  
Бемаҳал келдик, деб қилмагин гумон,  
Бемаҳал келмаган бир замон қани?

Эй ҳаёт боғининг тоза ниҳоли,  
Бирор умр борми фурсатдан холи,  
Эрта тонгда туриб айтарсан ҳали:  
— Бу сўзларни айтган Сулаймон қани?

## **КИМ БИЛИБДИ**

Тўлқин ИМОМХҲЖАЕВни эслаб

Тўлқин деган битта шоир  
Ўтганини ким билибди.  
Бу дунёга елдай келиб—  
Кетганини ким билибди.

Гоҳ назмга шайдо эди,  
Гоҳ насрда пайдо эди,  
Икки ўтда ёниб энди  
Битганини ким билибди.

“Жоним” дея ҳаммани ул  
Жони ҳалак эди нуқул,  
Қалбин этиб бир даста гул  
Отганини ким билибди.

Билган-билар,  
Билмаганлар  
Билишни ё истамаслар.  
Темир-тошдай не юраклар  
Қотганини ким билибди.

Яхшилик тез унутилар,  
Меҳрнинг тез қуни тўлар,  
Шўр тупроқда сара гуллар  
Бутганини ким қўрибди?

Билганим шу: Тўлқин деган  
Дилбар одам яшаб ўтган.  
Беғам дунё билмас аммо  
Қайдан келиб қаён кетган.

Бугун унинг ўзи қайда,  
Инжа, ширин сўзи қайда,  
Дилда меҳри қолди, бироқ  
Шеъри— айтган СЎЗи қайда?

Меҳр учун яралган бир  
Тирик ҳайкал эди ахир.  
Муҳаббатга, садоқатга  
Ўзи сайқал эди шоир.

Минг китобдан меҳр ортиқ...  
Шеърдан аввал меҳри ортиб  
Қилар эди бизларга у  
Табассум ва меҳр тортиқ.

Қийин эмас шоир бўлмоқ,  
Шеър шунчаки пардоз, бўёқ.  
Осонгина ўчар-кетар,  
Қийин— одам бўлиб кетмоқ.

Тўлқин деган битта шоир  
Ўтганини биламизми?  
Бу дунёга елдай келиб  
Кетганини биламизми?

\* \* \*

Беш кунлик бу даврон экан, одамлар,  
Умр ўтар қарвон экан, одамлар.

Қайдин келиб, қаён кетиб бородур,  
Биров билмай ҳайрон экан, одамлар.  
Биров англаб унинг асрорларини  
Кўзлари нам— гирён экан, одамлар.  
Ким яхшилик бирла савоб иш қилса,  
Бахти баланд— осмон экан, одамлар.  
Ёмонлик излаганлар излаб охир  
Тонганлари армон экан, одамлар.  
Манглайларга битилгани буларкан,  
Тақдир ўзи сарбон экан, одамлар.  
Кунглин олмоқ учун бир дилхастани  
Яхши сўз ҳам дармон экан, одамлар.  
Кунгил берманг, дунё Одам Атодан,  
Искандардан қолгон экан, одамлар.  
У дунёда нелар бўлур, билмасмиз,  
Бу дунёси ёлгон экан, одамлар.  
Бирда келсак, бирда кетмоқ тайиндир,  
Бунда ҳар ким мсҳмон экан, одамлар.  
Не андиша, не ўй билан Сулаймон  
Шу сўзларни ёзгон экан. одамлар.

\* \* \*

Ким айтади умр утиб кексаяр одам,  
Шашти қайтган шамол каби тиниб қолар, деб;  
Кўзларига кул рангида кўринар олам,  
Инсон умри шу экан, деб, кўниб қолар деб.

Ким айтади ёшликдаги эҳтирос, туйгу—  
Тугар, дея манглайига тушганда ажин.  
Нима эмиш, борлигини эгаллаб қайгу,  
Хўрсинармиш билмадим деб ёшликнинг қадрин.

Бошқа-бошқа бўлар аммо одам қисмати,  
Ўта нисбий тушунчадир кексалик, ёшлик.  
Асл умр нелигини ошиқ билади,  
100 ёшда ҳам 18 да бўлади ошиқ.

Бошқа-бошқа бўлар қисмат, бошқача тақдир.  
Айтинглар, эй умр не, деб хаёл сурганлар;  
Орамызда наҳот, наҳот топилмас ахир,  
18 да қартайганлар, 100 га кирганлар?!

Ким айтади...

## II. БАҲОР ЭДИ, ГУЛ ФАСЛИ ЭДИ...

---

### ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА

Севганим бир ёр эди,  
Хурматим бисёр эди.  
Бевафо эркан малак,  
Мен эса жоним ҳалак.  
Риштани узди ўшал,  
Аҳдини бузди ўшал  
Янги ой чиққан кеча,  
Янги ой чиққан кеча.

Ким боқиб лол бўлмагай,  
Ошуфтаҳол бўлмагай.  
Хоҳ ширин, хоҳ ғамлидир,  
Хоҳи у бир дамлидир,  
Ёд этиш ҳам қарз эрур,  
Ёд этиш ҳам фарз эрур  
Янги ой чиққан кеча,  
Янги ой чиққан кеча.

Ёдима тушди, нетай,  
Шарҳи ғам кимга этай.  
Дилда ғам, кўларда нам,  
Гоҳ уни ёд айласам,  
Юрагим дардга тўлар,  
Эски дард янги бўлар  
Янги ой чиққан кеча,  
Янги ой чиққан кеча.

\* \* \*

У кун сенга шеър айтгим келди,  
Ҳаяжоним турарди қалқиб.  
Баҳор эди, гул пайти эди,  
Сен билмадинг, сезмадинг балки.

У кун сенга шеър айтгим келди,  
Айтгим келди маънос, мастона.

Баҳор эди, гул пайти-эди,  
Ҳаёт эса гўё афсона...

У кун сенга шеър айтгим келди,  
Айтгим келди тўйиб ва тўйиб.  
Эшитсайдинг юм-юм йиғлардинг  
Кўкрагимга бошингни қуйиб.

У кун сенга шеър айтгим келди,  
Улгурмадим... улгурди фиरोқ,  
Баҳор эди, гул пайти эди,  
У кун энди биздан кўп йироқ...

Бугун яна шеър айтгим келар,  
Гарчи баҳор—гул пайти эмас.  
Айтолмайман.  
Айтсам-ку булар,  
Аммо сени йиғлатгим келмас.

\* \* \*

Энди сенга етиб бўлмайди,  
Кетиб булдинг. Қолди хотира.  
Ўзинг каби кунгилга яқин,  
Назокатли, мунис, бокира.

Энди сенга етиб бўлмайди,  
Кетиб булдинг. Қолди жудолик.  
Ундан менинг хаёлим зада,  
Ундан менинг юрагим доғлик.

Энди сенга етмасман ҳаргиз,  
Оламни тун бағрига олган.  
Тун қуйнида мен билан ёлғиз-  
Ёлғизгина ҲЕЧ НИМА қолган.

Энди сенга етиб бўлмайди,  
Кетиб булдинг, қувончим, эрким.  
Энди сени кимлар эслайди,  
Унутмайди ва лекин ҲЕЧ КИМ.

**АРМОНЛИ ҚИЗ ҚЎШИҒИ**  
Балли дедим, банд бўлдим-ай,  
Қошларимни тердилар.

Алёр айтиб, ёр-ёр айтиб,  
Бегонага бердилар.

Ширин-ширин тилаклардан  
Юрак-бағрим тилинди.  
Мени жондан ортиқ суйган  
Ёрнинг қадри билинди.

На қилайким, кўнглим менинг  
Бегонани сўёлмас.  
Ул менга дўст бўлгай балки,  
Аммо ёрим бўлолмас.

Чимилдиқни кўрмай ўтай,  
Бахтим агар шу бўлса.  
Қандай чидай ёнимда ёр—  
Эмас, ўзга ўтирса.

Остонаси тилло уйнинг  
Эшигидан киргим йўқ.  
Бегонага қўлим бердим,  
Фақат кўнгил бергим йўқ.

Энди дилга таскин қани,  
Уни қандай овутай?  
Бегонага ёр ўтгунча,  
Суйганимга зор ўтай...

Балли дедим, банд бўлдим-ай.

### **СЎНГГИ УЧРАШУВ**

Мен бу кунни узоқ кутдим,  
Балки минг йил ё кўпроқ.  
Мен бу кунга зўрга етдим  
Гоҳ сув бўлиб, гоҳ тупроқ.

Гоҳ ўт бўлдим, ёнавердим,  
Ҳаво бўлиб ёйилдим.  
Дардларимни тушларимдек  
Фақат сувга ёрилдим.

Гоҳ жам бўлиб тўрт унсурым  
Одам каби яшадим.

Қисматимга кўнмай-кўниб,  
Юрагимни ғашладим.

Гоҳо ширин хаёлларинг  
Чулғаганда бошимни,  
Мен йиғладим, дарё қилиб  
Тўкавердим ёшимни.

Яна гоҳ сув, гоҳ олов,  
Гоҳо тупроқ, ел бўлдим.  
Сени бир бор кўрарман, деб  
Юз бор ўлиб-тирилдим .

Ва бир куни хабар бўлди:  
Шаббодадай елибсан.  
Соғинибсан Бухорони  
Бухорога келибсан!

Эшитдингми оҳларим, ё  
Ниманидир сездингми?  
Соғиндингми Бухорони,  
Ё мени деб келдингми?

Гар висолга кўҳна шаҳар  
Сабаб бўлса қандай соз!  
Шу баҳона сени бир бор  
Кўрсам агар қандай соз!

Менинг бошқа илинжим йўқ,  
Йўқ бошқа сўз—шиорим.  
Фақат ҳар кун Бухорони  
Соғиниб кел, нигорим!

\* \* \*

Зангор эди унинг кўзлари,  
Ёдга тушар боқсам самога.  
Ёдга тушар ва менинг бағрим  
Тўлиб кетар ғамгин навога.

Сокин эди саҳар чоғидек,  
Майин эди майсадан ул қиз.  
Шаффоф эди гул япроғидек,  
Сочи сунбул, ёноғи гул қиз.

У менга ёр бўлсин дегандим,  
Бу ҳавас дил торини чертди.  
Лекин ул қиз менга бор-йўги  
Шеър ёзишни ўргатиб кетди.

Зангор эди унинг кўзлари...

\* \* \*

Кўзларинг ҳасратли сўзлайди,  
Сен кимни кутасан, азизам?  
Бағрингда нималар бўзлайди,  
Сен кимни кутасан, азизам?

Пойингга эгилдим, ёлвордим,  
Билмадим, етарми оҳ-додим,  
Шодликдан, қувончдан озодим,  
Сен кимни кутасан, азизам?

Ҳаётнинг бу турфа ранглари...  
Сен учун бекорми ё бари,  
Рад этиб ўртанган бир қалбни,  
Сен кимни кутасан, азизам?

Йўлларда кўринмас бир қора,  
Сен бўлсанг сарсонун оворам,  
Юрагим бир қора, бир қора...  
Сен кимни кутасан, азизам?

Ёнингдан тоғ ўтди—сезмадинг,  
Бир бағри доғ ўтди—сезмадинг,  
—Эй, нечун бағринг доғ, демадинг,  
Сен кимни кутасан, азизам?

\* \* \*

“Хайр!”  
Кетай десам етмас мажолим,  
Вужудим айланиб қолгандай тошга...  
Қўй энди, кетайин, соҳибжамолим,  
Сенинг йўлинг бошқа, меники бошқа.

“Хайр!”—  
Кўзларингда йиғлар илтижо,  
Айрилиқ шеваси ўртайди бағир.

Ўзинг айт, сен ўзинг айлагин нидо,  
Айрилсак не учун севишдик ахир?

“Хайр!”—

Сўнгни сўз бу, сўнгни фарёд бу,  
Тўрт томон қибладир—машъум, беҳудуд.  
Руҳни аросатда қолдириб, ёху,  
Қайгадир бош олиб кетади вужуд.

\* \* \*

Ҳамон тушларимда сени кўраман,  
Гарчи эсламайман гоҳида узоқ.  
Бу ҳолга ўзим ҳам ҳайрон бўламан,  
Нима бу?—жавоб ҳам йўқ бир тузукроқ.

Гарчи яшамайман мутлоқ сен учун,  
Гарчи сен бир умр энди бегона,  
Аммо тушларимга кирасан нечун,  
Ва мени айлайсан яна девона?..

Биз нега учрашдик, ажрашдик нега?  
Сен буни мендан ҳам яхши биласан.  
Қалбимга кирганинг етарди менга,  
Нега тушларимга энди кирасан?

Ранги, мазмуни йўқ бўм-бўш умрнинг,  
Шундай ўгаркан ул, шундай ўтарман.  
Ва лекин Худонинг берган ҳар туни  
Нега тушларимда сени кўраман?

\* \* \*

Ташқарида ёмғир.  
Қишнинг ёмғири.  
Билмадим, адашиб келганми баҳор.  
Аммо узоқ ҳали қишнинг охири,  
Нелар бўлаяпти ўзи, ё жаббор!?

Тарқаб кетмоқдадир рутубатларим,  
Равшан тортаётир бу тийра кўнгил.  
Тугалланмай қолар сўнгни байтларим,  
Қафасдаги қушдай беқарор кўнгил...

Ташқарида ҳамон қишнинг ёмғири,  
Менга писанд эмас тошлар ёғса ҳам.

Бормикан кераксиз тошнинг оғири,  
Писандми йўлимда тоғлар ётса ҳам?

Оҳиста чертаман таниш ойнани,  
Қисирлаб қўяди қийналган зина.  
Кейин таниш овоз лол этиб мени:  
“Адашиб келибсиз”, — дейди жимгина.

Мен ҳам унсизгина узр сўрайман,  
Ортиқ нймага ҳам сиғарди ҳаддим.  
Ва ўзим ўзимга мунгли сўзлайман:  
“Баҳор адашдими ва ё сен, қалбим?”..

Ташқарида ёмғир,  
Қишнинг ёмғири...

\* \* \*

Бўронлардан омон олиб ўтдим сени  
Яйрагин деб қуёшларга тутдим сени,  
Эркаладим, юзларингдан ўпдим сени,  
Жоним гулим, менга вафо қилармисан?

Ўнгиммиди— кўзларимга ишонмадим,  
Тушиммиди— таъбирини қилолмадим,  
Жамолингга боқиб-боқиб тўёлмадим,  
Жоним гулим, менга вафо қилармисан?

Гарчи бугун олам бошдан оёқ баҳор,  
Аммо далли хаёлларим билмас қарор,  
Умримизнинг ҳали қанча кузлари бор,  
Жоним гулим, менга вафо қилармисан?

Гумонларим айлар мени девоналар,,  
Дейманки, шўр бўлмасин-да пешоналар,  
Кўлларини сенга чўзса бегоналар,  
Жоним гулим, менга вафо қилармисан.

Тиниб қолар бир кун умр дарёси ҳам,  
Аён бўлар рости билан рўёси ҳам,  
Бизга-ку ҳеч вафо қилмас дунёси ҳам,  
Аммо ўзинг менга вафо қилармисан,

Жоним гулим, менга вафо қилармисан?

\* \* \*

Бедовимни тақаладим,  
Тақалари кумушдан.  
Ёрим кетиб, бошим чиқмас  
Ҳижрон деган юмушдан.

Енгил шамол тебратди  
Бедовимнинг ёлини.  
Юрагимни ёритгандай  
Бўлар умид ёлқини.

“Чуҳ, бедовим!—  
Сағрисига  
Аччиқ қамчи ураман—  
Чуҳ бедовим!  
Бугун ёрнинг жамолини кўраман!”

Йўл босар у шамол бўлиб,  
Довул бўлиб, ҳоримас.  
Айтинг дўстлар, қайси ошиқ  
Ёр васлига зор эмас?

Қора терга ботар отим,  
Лек чидамай нетади.  
Ахир бу йўл ёрим кетган  
Томонларга элтади.

Шамол эса тебратди  
Бедовимнинг ёлини.  
Юрагимни ёритади  
Яна висол ёлқини.

\* \* \*

### ЗУЛФИЯга.

“Муҳаббат йўқ!” - деди бир қиз ўкиниб,  
Қалби жафолардан қақшагач охир.  
“Сиз айтинг! - деди сўнг менга ўтиниб-  
Муҳаббат ёлғон-а!?”  
Нақадар оғир!  
Нақадар оғир бу сўзларни тинглаш,  
Юракни ўртовчи машъум бу туйгу...  
Нақадар эгиздир қувнаш ва инграш,  
Шодликдан сўнг мудом келади қайғу.

На битта сўз топиб юпатдим уни,  
Кузларим ер чизиб, қотди тош каби.  
Бошига айрилиқ тушган бу кунни  
Кўтаролмай қолди ахир қиз қалби!  
Ахир нима дердим бу тоза гулга,  
Бу тирик фарёдга, тирик фиғонга.  
Муҳаббат шу куйга солсаю уни  
“Муҳаббат йўқ!”—дея титрайди нега?

## **НИЛУФАР ГУЛИ**

Сув тубида сочилиб,  
Сув бетида очилиб  
Толмадингми, гулгинам.

Огоҳ этгин гамингдан,  
Айрилиб ўз қавмингдан  
Қолмадингми, гулгинам?

Толмадингми ерда жой,  
Эй, сувда балқиган Ой,  
Тирнадинг-ку бағримни:

Тополмасанг ерда жой,  
Эй, сувда балқиган Ой,  
Макон этгин қалбимни!

\* \* \*

Сени еру кўкка ишонмас эдим,  
Сени қизганардим гулдан, шамоладан.  
Бир лаҳза кўрмасам, бир он кўрмасам  
Озгандек бўлардим ҳушдан, хаёлдан.

Қудратда ўзимни Фарҳод билардим,  
Ва ишқда ўзимни санардим Мажнун.  
Уларнинг кунлари тушиб бошимга  
Турибман нотавон, юрак-бағрим хун.

Ожизлик бўлса гар шунчалик бўлар,  
Ёниб севганларнинг ҳоли шу экан.  
Қисмат бу—кимгадир жилмайган, бироқ,  
Менга эса фақат қайғуни берган.

Сени еру кўкка ишондим ночор,  
Аммо кетмагайсан бир дам хаёлдан.

Фақат гул юзлигим, сени негадир  
Ҳамон қизғанаман гулдан, шамолдан.

\* \* \*

Надир ул бошга савдолар солур, аммо кўринмайдур,  
Уни бозорга солмасалар, сотилмайдур, сўралмайдур,  
Тириклик Каъбаси ул бўлмаган жойда қурилмайдур,  
Деманглар, эй биродарлар на ҳолат бу, на хилқат бу,  
Муҳаббат бу, фидоси Мажнуну Лайло, муҳаббат бу.

Агар бир кун дилингизни бу ҳолат яйратиб ўтса,  
Мисоли андалиб бир гул бошинда сайратиб ўтса,  
Юракнинг торларин шавқ бирла чертиб, янгротиб ўтса,  
Деманглар, эй биродарлар на роҳат, на фароғат бу,  
Муҳаббат бу, адоси Тоҳиру Зуҳро, муҳаббат бу.

Вале бир кун унинг дарди билан бир ҳолга тушсангиз,  
Кетиб дашту биёбонга, бу дунёни унутсангиз,  
Сабр бирла бирор ерда на турсангиз, на кетсангиз,  
Деманглар, эй биродарлар, на гурбат бу, на қулфат бу,  
Муҳаббат бу, гадоси Вомиқу Азро, муҳаббат бу.

Ўтиб тўфон каби кетса агар ҳижрон, жудоликлар,  
Фаромуш бўлса гурбатлар, ситамлар бирла хорликлар,  
Кувончдан ёшланур кўзлар, юраклар шолланиб йиғлар,  
Дегайсиз эй биродарлар: ажаб, қандай саодат бу!  
Муҳаббат бу, анингсиз йўқ ҳаёт асло, муҳаббат бу!

\* \* \*

Қоматинг бунчалар келишган сенинг,  
Юзларинг ой каби тўлишган сенинг,  
Зулфинг райҳон билан ўпишган сенинг,  
Қайси чаманларнинг нори бўласан?

Дилимни бўзлатди бўта кўзларинг,  
Ай, бўта кўзларинг билан сўзладинг,  
Ва лекин демадинг: “Нега бўзладинг?”,  
Сен қайси тоғларнинг сори бўласан?

Ўзинг айт бўлмаса, сиймбар малак,  
Мумкин бўлса ўзни ошқор айламак,  
Ойни ҳам сенга зор яратмиш фалак,  
Қайси тийра кўнгил зори бўласан?

Гўзаллик яратмоқ фалакнинг иши,  
Аммо ошиқ билан йўқ унинг иши,  
Терсга айлансаю чархи—гардиши,  
Наҳотки ўзганинг ёри бўласан.

Зулфинг райҳон билан ўпишган сенинг,  
Эй гул, қайси чаман нори бўласан?..

\* \* \*

Етиб бормас сенга сўзларим,  
Орамизда бир умрлик йўл.  
Кундуз сени пойлар кўзларим,  
Кечалари болишларим ҳўл.

Сенга етиб бормас сўзларим,  
Орамизда бордир тўсиқлар.  
Мен дардимни кимга бўзлардим,  
Тўрт томоним бўлса бўшлиқлар.

Ўлим йўқдир элчига, аммо  
Элчиларим—сўзларим қайтмас.  
Улар сендан келтирмас садо,  
Сен ҳақингда бирор сўз айтмас.

Етиб бормас сенга сўзларим,  
Қайда бўлсанг омон бўл, бор бўл.  
Улсам--очиқ кетар кўзларим,  
Орамизда бир умрлик йўл.

\* \* \*

Кўнглимнинг тубидан, азизим,  
Бир наво келади, бир наво.  
Сенга бор на алам, на гинам,  
Фақат бор бир дардим—бедаво.

У мени ўтларга солади,  
Тунлари йиғлатар, бўзлатар.  
У мендан ўчини олади,  
Ўзимни ўзимга сўзлатар.

Фақат мен англайман бу тилни,  
Таниш бир ўзимга бу шева.  
Ўтларда ёнган бу кўнглини  
Овута олмайди ҳеч нима.

Кўнглимнинг тубидан, азизам,  
Бир наво келади, бир наво.  
Сенга бор на алам, на гинам,  
Етмайди сенгача бу садо.

\* \* \*

Мен сендан гулларни қизғандим,  
Боиси—гулдан-да гўзалсан.  
Кўнглим не истайди—билмадинг,  
Кўнглим гул истар, гул— ўшалсан.

Гар Ойни қизгансам, инжима,  
Боиси—Ойдан-да гўзалсан.  
Кўнглим не истайди— ул нима?  
Кўнгил Ой истар, Ой—ўшалсан.

Мен Кунни қизғандим, қизардинг,  
Қизарма, Кундан-да гўзалсан.  
Кўнглимни қайдан ҳам билардинг,  
Кўнглим Кун истар, Кун—ўшалсан.

Қизғандим дунёдан. Дунёда  
Мен учун ягона, гўзалсан.  
Кўнглим не истаса дунёда—  
Ўшалсан, ўшалсан, ўшалсан.

\* \* \*

Жонимни, эй дўстлар, жаҳонда  
Бир ёрнинг жафоси ўртади.  
Ҳижронли кечалар армонда  
Сочининг қароси ўртади.

У шаҳло кўзларни соғиндим,  
Ой каби юзларни соғиндим,  
Иболи сўзларни соғиндим,  
Ноз ила ҳаёси ўртади.

Бир кулиб боқмади бахтим-ай,  
Най бўлиб ингради бағрим-ай,  
Кўзларим ёшида қалқдим-ай,  
Айрилиқ, навоси ўртади.

Оламда мен каби хор борми,  
Менга ёр бўлгучи ёр борми,

Зулфидек қўл етмас дор борми,  
Зулфининг савдоси ўртади.

Қисматга тан бердим, қисматим  
Хатолар қилдимми, билмадим,  
Мен бугун бир нолон йиғладим,  
Қисматнинг хатоси ўртади.

\* \* \*

Кунлар илиб кетарми, гулим,  
Қорлар эриб битарми, гулим,  
Бизнинг кўнгил боғимизга ҳам  
Қушлар кўниб ўтарми, гулим?

Изғиринлар қачон тинаркан,  
Ёруғ кунлар қачон келаркан,  
Пешвоз чиқиб бизларга қуёш  
Бошимиздан ўпарми, гулим?

Баҳор, деймиз такрор ва такрор,  
Соғингайми бизларни баҳор?  
Келарми у ва ё йўлларда  
Адашарми йитарми, гулим?

Бағримизда кўпдир тугунлар,  
Минг йилларга чўзилди тунлар,  
Ўтармизми узлатда, ёким  
Тонгларимиз отарми, гулим?

Сабрга ҳам борми ниҳоя,  
Бошимиздан кетарми соя?  
Бизлар кутган ул яхши кунлар  
Бизларни ҳам кутарми, гулим?

Кунлар илиб кетарми, гулим?

\* \* \*

Мен бугун туғилдим,  
Қайта туғилдим,  
Унутдим қадимги қўшиқларимни.  
Ва сенинг пойингга келиб тўқилдим,  
Унутдим беҳуда шўхликларимни.

Ўзга сайёрадан келдим бу ерга,  
Бу ўзга мамлакат, бу ўзга диёр.

Тангри уни сенга мулк қилиб берган,  
Мени эса сенга ғулом—хизматкор...

Дарё ҳам ўзанин излаб менчалик  
Девона бўлмаган, қайнаб-тошмаган.  
Тангри ҳам тараҳхум қилиб сенчалик  
Иқбол даричасин менга очмаган.

Бу ёруғ эшикни изладим узоқ,  
Аммо адашмадим, йўқ, адашмадим.  
Фақат зулмат ичра суварак мисол  
Яшаш не эканин билмай яшадим.

Наҳотки дунёда бахт бордир тугал,  
Наҳотки ул сенинг қиёфангдадир.  
Мен уни чеҳрангда кўрдим бу маҳал,  
Бу лаҳза мен учун илоҳий дамдир.

Балки бу иккинчи умримдир менинг,  
Ҳар қалай, қачондир яшагандайман.  
Ва мен ушбу лаҳза елкамдан босган  
Тоғни улоқтириб ташлагандайман.

Яна неча марта яшарман, билмам,  
Аммо битта ўлим бордир, биламан.  
Ва менга яшашни ўргатганинг-чун  
Ўлсам, энди фақат сен деб ўламан.

## ГУЛСАРА

Сиз гулсиз, гулдан-да гўзалсиз,  
Гулдан-да инжасиз, нозлисиз.  
Атиргул япроғи— кўнглингиз,  
Фунчанинг дудоғи—оғзингиз.

Сиз гулсиз, гулдан-да сарасиз,  
Кимгадир сиздан-да гул сара.  
Менга бир жилмайиб қаранг сиз,  
Сиз гулдан сарасиз, Гулсара.

Дунёда жамики гулларни  
Шу рухсор, шу лаблар этса жам,  
Қайси гул бу янглиғ хунарни  
Эпларкин, айтинг-чи, маликам?

Айтсалар сиздан-да кўркли, деб,  
Сиздан-да нозли, деб гулларни,  
Дунёга ёйсалар гулдан сеп,  
Тентак, деб айтардим уларни.

Сиз-чи, сиз нима деб ўйлайсиз,  
Мен кимман: тентакми, соғманми;  
“Сиз гулдан сарасиз!”--деганда  
Бошимга кўтариб оламни?

Оҳ, бунча жилмайиб қарайсиз  
Жимгина, жимгина, қизгина.  
Ахир сиз гуллардан сарасиз,  
Кўрклисиз ўзингиз, биргина...

\* \* \*

Эй гул япроғидан яралган кўнгил,  
Оҳлари фалакка таралган кўнгил,  
Армонлар ўқ бўлиб қадалган кўнгил,  
Бенаво булбулдай бўзлайсан нечун?

Сени қайси ғамлар бу кўйга солди,  
Айшу фароғатинг қайга йўқолди,  
Жоним адо бўлди, вужудим толди,  
Эй кўнгил, бунчалар бўзлайсан нечун?

Билмадим, илк севги савдосими бу,  
Ҳажрнинг гурбати, ғавғосими бу,  
Ва ёким тақдирнинг хатосими бу,  
Сен нега бунчалар бўзлайсан нечун?

На чора, ваъдалар омонат бўлса,  
Гуҳар деб топганинг маломат бўлса,  
Ва лекин севмоқлик саодат бўлса,  
Эй кўнгил, бунчалар бўзлайсан нечун?

### **100-АЛОҚА БЎЛИМИ**

Бунда мактубларим ётибди менинг,  
Биринчисидан сўнг ёзганларим.  
Йигирма йиллик мактубларим  
Ётибди бунда  
Кўлларингни соғиниб,  
Кўзларингни соғиниб.  
“Ёзма”, деган эдинг

Биринчи мактубимни олганингдан сўнг.  
Ёздим.  
Ёзавердим.  
Ёзавераман...  
“Талаб қилингунига қадар” бўлмасидагилар  
Қарғаса керак 20 йилдан буён  
Мени.  
Улар билишмаски, ошиқлар ахир  
Далли бўлишади.  
Ошиқлик бу ахир девоналикдир.  
Улар билишмайди,  
Чунки  
Мактубларимда ҳеч сўз ёзилмаган  
Оппоқ қоғоз бор, холос.  
Фақат сен ўқий олишинг мумкин.  
Ва фақат кўзларингни юмиб,  
Ўша мен боқиб тўёлмаган,  
Ўша-мен ўполмаган кўзларингни юмиб.  
Ўша мен ушлолмаган,  
Қўлларингни,  
Ўша мен боқиб тўёлмаган  
Кўзларингни соғиниб ётибди  
Бунда мактубларим...  
“Талаб қилингунига қадар” бўлмасида  
Талаб қилинмаган хатларим  
Ётибди талабгор.  
Бу ёруғ дунёда сендан бошқа ҳеч кимни  
Талаб қилмаган бир телбанинг  
Талабгор мактублари...

\* \* \*

Бир кўрдим, кўрдиму яна бир  
Кўрсам, деб юрагим ёнадир,  
Билмадим, бу не ҳол, бу надир,  
Мен севиб қолганга ўхшайман.

Ётаман, ёнаман тўлғаниб,  
Ўйларим чувалиб, чулғаниб,  
Хаёллар сураман чўғланиб,  
Мен севиб қолганга ўхшайман.

Дунёлар сарба-сар тор бўлди,  
Йўқ дардлар бир пасда бор бўлди,

Билмадим, бу қандай ҳол бўлди,  
Мен севиб қолганга ўхшайман.

Қани энди ақлу ҳуш бўлса,  
Наҳотки кўрганим туш бўлса,  
Гар севги дегани шу бўлса--  
Мен севиб қолганга ўхшайман.

### **АЁЛ ҲАҚИДА ОДДИЙ ШЕЪР**

Тангрига шукрона бўлсин, азизим,  
Дунёда аёлнинг борлиги учун.  
У бизга ҳам она, у бизга сингил,  
У бизга суюкли ёрлиги учун.

Тангрига шукрона бўлсин, азизим,  
Яхшиям дунёда бор экан аёл!—  
Шундай деб биз қадаҳ кўтарсак бир зум...  
Дунёни чарх уриб келади хаёл.

Ў, аёл!  
Табиат яратган чечак!  
Тириклик тимсоли бўлган ҳувайдо!  
Сенсиз бу дунёда ким эди эркак,  
Сенмасми дунёни айлаган шайдо?!

Китобда: “Аввал--сўз”— дейилган мисол  
Ҳаётнинг аввали ўзингсан азал.  
Сенгадир Куръоннинг сураси—”Нисо”,  
Сен учун битилган Шерозий ғазал.

Энди русум бўлди қадаҳ кўтармоқ  
Дунёда борлигинг учун, фариштам.  
Гўёки мушкул иш бир жуфт сўз айтмоқ  
Ҳатто Фарҳод каби тоғни қазишдан.

Ҳаёт эса қайнар тўзимсиз, бебош,  
Сенга қайишмоққа фурсат йўқ гоҳо.  
Умрлар ўтади ғафлатга талош,  
Сенинг борлигингни сезмаймиз, э-воҳ.

Мен хомуш қоламан шундай кезларда,  
Хаёлим дунёни кезиб қайтадир.  
Шаънингга лойиқ сўз кўпдир бизларда,  
Ва янграб турарлар ҳозир қайтадир.

Мен эса дунёга қиларман хитоб  
Жамийки эркаклар номидан бу дам:  
—Аёлинг ёнидан ўтмангиз шитоб,  
Бир нафас қалбини тингланг унинг ҳам.

У ҳам елкасини турибди тутиб  
Биз каби дунёнинг юмушларига.  
Ёнидан бепарво кетмангиз утиб,  
Сиз ҳам шерик бўлинг ташвишларига.

Шу буюк хилқатнинг борлиги учун  
Виждонлар бир лаҳза тортсинлар сергак.  
Фақат қадаҳ эмас, азизлар, бугун  
Уни ҳам кафтларга кўтармоқ керак!

\* \* \*

Ёноқ кўрдим—лоладан сара,  
Дудоқ кўрдим—гунчадан аъло,  
Шаҳло кўрдим, бу кўзга қара,  
Офатижонми бу, не бало?

Қомат кўрдим—уялсин шамшод,  
Тун уялсин бу зулфни кўриб.  
Шамширингни қўя тур, жаллод,  
У жонимни бўлди суғуриб!

\* \* \*

Ёноқлар лолақизғалдоқ—  
Гул фасли—баҳор яхши.  
Олам гўзал, оҳ, қандоқ,  
Гул фасли—баҳор яхши.

Ҳар майсаю япроқда,  
Чўлу чаману тоғда  
Куёш ўйнар бу чоқда,  
Гул фасли—баҳор яхши.

Толбаргак тақар қизлар  
Раъно, Шаҳло, Наргислар,  
Эй, дўстлар, қарангизлар,  
Гул фасли—баҳор яхши.

Кокулларин мажнунтол  
Анҳорда ювар хушҳол,

Дилни яйратар бу ҳол,  
Гул фасли—баҳор яхши.

Ҳар дами ғанимат дам,  
Холи гина, ғийбатдан,  
Сўзланг меҳру ҳимматдан,  
Гул фасли—баҳор яхши.

Йилда бир келур, дерлар,  
Дил завққа тўлур, дерлар,  
Ғамлар тўкилур, дерлар,  
Гул фасли—баҳор яхши.

Яшнаган кенг жаҳонга,  
Яйраган жисму жонга,  
Ҳам ошиқ Сулаймонга  
Гул фасли— баҳор яхши.

\* \* \*

Қайси чамандан ўтдинг, нигорим,  
Сочларинг сунбул, райҳон бўлибдур.  
Лола жамолинг олди ниғоҳим,  
Юзларинг бунча алвон бўлибдур.

Қумрилар бийрон сайраб ўтарлар,  
Еллар зулфингни тараб ўтарлар,  
Ошиқлар пинҳон қараб ўтарлар,  
Қоматинг сарви равон бўлибдур.

Табиат шунча берганмикан зеб—  
Баҳор ёйгандек олам узра сеп...  
Ул менинг ёрим бўлгаймикан, деб,  
Не-не юраклар нолон бўлибдур.

Кўрдим қошларинг—сабзаларингни,  
Киприкларингни—майсаларингни,  
Шаҳюларингда ғамзаларингни,  
Ақлу ҳушим лол—ҳайрон бўлибдур.

Ҳайронлигимдан ранжима, эй гул,  
Тоқатларимдан айирма буткул,  
Энди бўлойин хизматингда қул—  
Ишқинг дилимга ҳоқон бўлибдур.

\* \* \*

Ёр гулшан аро ноз ила ўтди,  
Кўнгил не ажаб девона бўлди.  
Ҳам гозаю пардоз ила ўтди,  
Кўнгил не ажаб девона бўлди.

Ким, сарви равон қадди ниҳоли,  
Ёндирди юзида қора холи,  
Бир булбули мастона мисоли  
Кўнгил не ажаб девона бўлди.

Эй, лаб дегани шунча бўларми,  
Ҳам лаълию ҳам гунча бўларми,  
Ундан-да гўзал ҳаёси, шарми,  
Кўнгил не ажаб девона бўлди.

Не эрди агар кўрмасам эрди,  
Мастона боқиб турмасам эрди,  
Айро тушубон ҳуш ила энди  
Кўнгил не ажаб девона бўлди.

Мен бунда туриб, аё, на қилдим,  
Бир кўрдим-у оҳ, тушдими ишқим,  
Ул ёр ўтубон кетдию билдим,  
Кўнгил не ажаб, девона бўлди,  
Кўнгил не сабаб девона бўлди.

\* \* \*

Ой чиқмади бу кеча,  
Тонг оқарди барибир.  
Ой юзлигим, Ойсиз ҳам  
Яшаб бўларкан ахир.

Юлдуз чиқди—боқмадим,  
У порлади барибир.  
Юлдузсиз ҳам, юлдузим,  
Яшаб бўларкан ахир.

Куёш қайда бу кеча?  
Ҳозир чиқмас барибир.  
Куёшсиз ҳам, куёшим,  
Яшайман-ку ахир.

Сен қайдасан бу кеча,  
Қайда бўлсанг—барибир.

Англадимки, сенсиз ҳам  
Яшаяпман-ку ахир.

Шундай дейману бироқ,  
Кўзларимга ёш қалқир.  
Сенсиз кечган ҳаётим  
Ҳаёт эмас-да ахир!

\* \* \*

Мени кутма,  
Мен энди ёйдан  
Узилган бир тийғи пайконман.  
Майса бўлиб унмасман ҳатто,  
Илдизи йўқ хасман, хазонман.

Ёмғир бўлиб ёғилмагайман,  
Ёғилмасман ҳатто қор бўлиб.  
Бу дунёда топилмагайман,  
Йўлларимга боқма зор бўлиб.

Асра, гулим, кўз ёшларингни,  
Шодликларинг қўрини асра.  
Шундай кунлар кутмоқда сени,  
Бир-биридан дилбар ва сара.

Фол ҳам очма, очдирма, гулим,  
Тушларингни ўнгламга йўйиб.  
Хаёл сурма (сезмоқда кўнглим),  
Иягингни бошингга қўйиб.

Тақдир шундай зулмкор бўлса,  
Не иложим, нима чорам бор.  
Битта олам эдик,  
Орада  
Энди қанча-қанча олам бор.

Кутма мени,  
Ўзимни излаб  
Гадо каби кетганман бадар.  
Излама ҳам бағрингни тиглаб,  
Юрагимда яшасанг агар.

\* \* \*

Сенга газал ёздим,  
Гарчи у газал  
Гўзал эмас эди у қадар, лекин—  
Лекин менинг кўнглим учунми, гўзал,  
Менга шивирладинг энгашиб секин:

“Тузук,  
Аммо менинг эъторозим бор,  
Манов жой қиёмга етиб келган пайт,  
Узилиш бўлганми, дейман, ҳайтовур,  
Етмай турибдими, дейман, битта байт...”

Шундай деб қаддингни ростладинг.  
Бир жуфт  
Кокилинг тўлганиб кетди-ку шу пайт.  
Мен қандай ёзурман, қай тилда, гулруҳ,  
Сенинг кокилларинг бўлса ўша байт!

\* \* \*

Не ўтсан, не оловдирсан,  
Не соҳир сўз—садодирсан,  
Не кўйларга солодирсан,  
Муҳаббат, не балодирсан?

Саодатдан очарсан фол,  
Юраклардан сўрайсан ҳол,  
Этарсан оқибат абгор,  
Муҳаббат, не балодирсан?

Сенингсиз йўқ ҳаёт, дерлар,  
Сени ёлғиз нажот, дерлар,  
Ошиқлар эрса “дод” дерлар,  
Муҳаббат, не балодирсан?

Юзинг ой, кўзларинг жоду,  
Сочарсан меҳр ила ёғду,  
Тутарсан бол дея оғу,  
Муҳаббат, не балодирсан?

Ширин-аччиқ хаёлимсан,  
Камолим ҳам заволимсан,  
Жавоби йўқ саволимсан:  
“Муҳаббат, не балодирсан?”

\* \* \*

Жонона деб бўлдим адо,  
Жон қайдаю жонон қани.  
Не эрди ишқдан муддао,  
Ул аҳд ила паймон қани.

Гулман, деди ул гўзалим,  
Булбул бўлиб мен бўзладим,  
Йўлинда толди кўзларим,  
Сунбул, қани райҳон қани.

Жабри борар жондан ўтиб,  
Жоним олиб, қаддим букиб,  
Оллида нордай тиз чўкиб,  
Мен қул бўлай, султон қани.

Боғимга зоглар қўндилар,  
Бағрим чўкиб ҳам ўйдилар,  
Борми хароба--ўлтирай,  
Вайрона бир айвон қани.

Ул қошлари қундуз, камон  
Ҳажрида ёндирди ёмон,  
Жоним берай мен бу замон,  
Тортинг камон, пайкон қани.

Арзу самони ағдариб,  
Тополмадим-ку ахтариб,  
Энди менингдек бир ғариб,  
Мендай фақир, ҳайрон қани?

\* \* \*

Сўзларингни кўзимга суртай,  
Бўса олай табассумингдан.  
Кутсам—хаёл боғида кутай,  
Тун чодирин тикай зулфингдан.

Кейин нима бўлса ҳам майли,  
Бошқа роҳат менга татимас.  
Сенга етмоқ учун, эй Лайли  
Қўлларингдан тутмоқ шарт эмас.

## ЁЛГИЗ АЁЛ

Ёлғиз аёл, ёлғиз аёл,  
Ёлғиз қувонч, танҳо ғам.  
Сен дунёда танҳо хаёл,  
Ёлғизгина бир олам.

Сен камондан учиб кетган  
Ёлғизгина пайконсан.  
Эгалари кўчиб кетган,  
Хувиллаган айвонсан.

Ўзинг қувнаб суюнасан,  
Ўзинг ёниб-ўчасан.  
Сен бегона бир жаҳонсан,  
Сен нотаниш кўчасан.

Сен биласан бу дунёни,  
Сени дунё билмайди.  
Ҳеч ким кириб бу дунёга  
Адашгиси келмайди.

Ярим Ойсан, ёрти Куёш,  
Кумушмисан, зармисан.  
Асли сен ҳам ёлғиз қолган  
Бир юракнинг ярмисан.

У қайдадир сени излар,  
Излар сени қучгани.  
Ва қайдадир сарсон кезар  
Тополмасдан кўчангни.

\* \* \*

/Халқ йўлида/  
Қишда бодом гулларми,  
Қорда булбул куйларми,  
Етмиш ёзни кўрган чол  
Қизга ошиқ бўларми.

Шомда қуёш ботаркан,  
Тун ўтса тонг отаркан.  
Йигитман дер чол, аммо  
Нега сочи оқарган?

Қартайган от чополмас,  
Той ўрнини босолмас.  
Чолда кўнгил бўлса ҳам  
Қиз кўнглини ололмас.

Боғдан ўтса совуқ бод  
Гулларни қилар барбод.  
Ошиқ чолга ярашар  
“Тўрт оёқлиғ чўбин от”.

Тенг билан тенг топишсин,  
Ачомлашсин, опичсин.  
Муҳаббат шуғласидан  
Ёш кўнгиллар ёришсин.

Қишда бодом гулларми,  
Зоғ булбулдай куйларми.  
Етмиш ёзни кўрган чол  
Бўз йигитча бўларми.

\* \* \*

Гуллар тўшаб йўлларимга  
Баҳор келди, сен келмадинг.  
Хаёлларим- ўйларимга  
Алёр келди, сен келмадинг.

Келарсан, деб кута-кута  
Нигоҳларим толиб кетди.  
Жисму жоним куйдиргунча  
Шарор келди, сен келмадинг.

Майса-ўлан гул бўлдилар,  
Музлар эриб сув бўлдилар.  
Шод қиқирлаб жилға келди,  
Анҳор келди, сен келмадинг.

Кунлар ойга айландилар,  
Ойлар ўтиб йил бўлдилар.  
Ҳасрат тўла неча лайлу—  
Наҳор келди, сен келмадинг.

Ҳолим кўриб ким кулди-ю,  
Ким таъналар тошин отди.  
Гоҳ дардимга шерик бўлиб  
Ағёр келди, сен келмадинг.

Бахши бўлиб бўзладим гоҳ,  
Гоҳ най бўлиб нола чекдим.  
Қўшиқ келди, наво келди,  
Ашъор келди, сен келмадинг.

Умидларим чақин каби  
Бир ёндилар, бир сўндилар.  
Андухларим эса такрор—  
Такрор келди, сен келмадинг.

Майин елдай ўтиб кетди  
Жавонлигим йўлларингда.  
Мен ғарибдан ғариб яна  
Баҳор келди, сен келмадинг.

\* \* \*

Менинг ҳам лабимга қўнар табассум,  
Мен ҳам ширин сўзга гадоман-қулман.  
Лекин ҳаётимни ўйласам бир зум—  
Бир ёрга зор бўлиб ўтган кўнгулман.

Сувратимга қараб чиқарманг ҳукм,  
Йўқ, сиз айтганчалик бахтли тугулман.  
Сизни алдаб қўяр гоҳида хулқим—  
Бир ёрга зор бўлиб ўтган кўнгулман.

Менга ҳам қисматим ўнта гул берди,  
Рухсоримга қаранг, наҳотки гулман?  
Ул ёрга элтгувчи борми йўл энди,  
Бир ёрга зор бўлиб ўтган кўнгулман.

Чаман деб топганим шул вайронадир,  
Шунга ҳам суюниб турган булбулман.  
Аммо кўнгул ҳамон ўшал ёрдадир —  
Ул ёрга зор бўлиб ўтар кўнгулман.

## **АРМОН**

Мен кимдан домангир бўлайин энди,  
Қисматимни қаргаб ўтайми, ё, раб!  
Ҳижрон ўзи мени сўроқлаб келди,  
Ҳижрон ўзи кетди сени сўроқлаб.

Не дейин энди сен қошлари “ё” га,  
Сен кимга борардинг, кимга йиғлардинг?

Мен ўзим сиғмайин турсам дунёга,  
Менинг манглайимга қандай сиғардинг?

Мен кимдан домангир бўлайин энди...

\* \* \*

...Гарчи йиллар ўтди бир-бирин қувлаб,  
Макон ўзга энди, ўзгача замон,  
Ёдингдай сўлим бир қўшиқни куйлаб,  
Мен сени соғиниб яшайман ҳамон.

Нақадар маҳзун у, нақадар сокин,  
Шундоқ ҳам ранг-рўйим бўлган-ку сомон.  
Лекин у ёдингдай тотли ва ёрқин,  
Мен сени соғиниб яшайман ҳамон.

Бу бошдан нималар ўтмади ахир,  
Ўтмагани— ҳали узилмаган жон.  
Аяб юрибдими ё мени тақдир,  
Мен сени соғиниб яшайман ҳамон.

На умид, на ҳавас бор энди.  
Фурсат—  
Олди-ю ўрнига ғам берди ботмон.  
Аммо барчасидан ёдингдир юксак—  
Мен сени соғиниб яшайман ҳамон.

Соғинч ёлғиз мадад, у ёлғиз табиб,  
Ҳеч нарса ўтинмас сендан ҳеч қачон.  
Қадим бир оҳангни соғинган каби  
Мен сени соғиниб яшайман ҳамон.

### **ЛАҲЗА**

Сен нега жилмайиб қарадинг,  
Лабларинг қимтинди не учун?  
Бир қараб ё мени алдадинг,  
Ё атай келдингми мен учун?

Ва... кетдинг кўзимнинг олдидан  
Бир соя ўтгандек яшиндай.  
Ва кетдинг, ақлимни олдинг-да,  
Ўт ёқдинг ичимда, ташимда!

Оламда зур тўфон тургандек  
Остиндир-устиндир ҳаммаёқ.  
Ҳаммаёқ сим-сиёҳ ўрадек,  
На чироқ кўринар, на маёқ...

Энди на роҳатни биламан,  
Тўрт томон қибладир—қотганман.  
Кунлари йўлингни пойлайман,  
Тунлари чўғ бўлиб ётаман.

Бу жоним бўлмасми бир ўсал,  
Ҳаётим битмасми, келсанг-чи!  
Севмасанг, севмасанг, эй гўзал,  
Мен сенга боқмадим, десанг-чи!

Оҳ, нега жилмайиб қарадинг...

\* \* \*

Қай кун, қайси замон бўлади,  
Аввал менга аён бўлади,  
Сабрим тугаб, тамом бўлади,  
Биз томонга йўлинг тушса, ёр

Юлдуз сирли жимирлаб қўяр,  
“Келяпти”, деб шивирлаб қўяр  
Юрак ҳам бир жимирлаб қўяр,  
Биз томонга йўлинг тушса, ёр.

Ширин-ширин тушлар кўраман,  
Тушларимда сени кўраман,  
Йўлларингда бўзлаб юраман,  
Биз томонга йўлинг тушса, ёр.

Уйғотади тонгда саболар,  
Тилларида ғамгин саволлар:  
“Кетмадимми кўксингдан доғлар?”,  
Биз томонга йўлинг тушса, ёр.

Эшикдаги бир туп мажнунтол  
Боши эгик, паришонхаёл,  
Бошин эгмас эди эҳтимол  
Биз томонга йўлинг тушса, ёр.

Лекин бизлар кўришмаймиз юз  
Бамисоли баҳор билан куз,  
Ҳар гал ҳам шу ҳол бўлар, афсус,  
Биз томонга йўлинг тушса, ёр.

\* \* \*

Нетарсан ўсмани, ёр, қошларинг асли қаро бўлса,  
Киши кўргач уларни ўсмасиз ҳам мубтало бўлса.

Уполар суртасан ой юзларингни лолазор айлаб,  
Упосиз ҳам агарчи Ой аларга маҳлиё бўлса.

Сенинг битта нигоҳинг неча жон қатли учун басдир,  
Нечун сурма қўюрсан кўзларинг бунча бало бўлса.

Нечун олтин биларзуклар, узуклар, лаъл маржонлар,  
Ўзи тирноқларинг олтин, кумушдан бебаҳо бўлса.

Ширин сўз айтаман, деб очма лаб, эй лаблари шаккар,  
Дудогинг шаҳдини кўрганда ошиқлар адо бўлса.

Менинг таърифларим балки баҳойинг нақдича бўлмас,  
Сўрарман минг узрлар таърифимда бир хато бўлса.

Дариг тутма жамолинг шавқини нозлар ила, жоно,  
Сулаймон гар кўйингда саргайиб юрган гадо бўлса.

\* \* \*

Нигоро, бир тараҳҳум айланг энди,  
На истарсиз-ки, маълум айланг энди.

Сўранг ҳоли харобимни нечук, деб,  
Кулиб, инжа табассум айланг энди.

Куйиб бода қадаҳларга дамо-дам,  
Қуриб суҳбат, такаллум айланг энди.

Соғинтирган эдингиз-ку фироқда,  
Висол завқин тараннум айланг энди.

Манам сизни соғиндим, денг, уёлманг,  
Кўзларингизни анжум айланг энди.

Агар ёр бўлмасам сизга муносиб,  
Висолингиздан маҳрум айланг энди.

Фақат бир илтимосим бор: авалда,  
Нигоро, бир тараҳҳум айланг энди.

\* \* \*

Эй азиз жон, сен ўшал қоши камонга садқа бўл,  
Қомати гулшан аро сарви равонга садқа бўл.

Яйрагайсан бир лутф қилганда ул ширинзабон,  
Ул масиҳанфос табиб, ширинзабонга садқа бўл.

Қилма олам гулшани ичра сайр этмоқ тамаъ,  
Қирмизи лаълу ақиқ, гунча даҳонга садқа бўл.

Ул замона шўҳининг ушшоқ элига раҳми йўқ,  
Гарчи андоққи, ўшал шўҳи замонга садқа бўл.

Тушса ҳам бошингга дилбарнинг фироқи, ранжима,  
Ул сайр этган чаман ичра хазонга садқа бўл.

Севмадинг ҳаргиз ўшал шоҳи жаҳондан ўзгани,  
Бор, анинг бўл чоқари, шоҳи жаҳонга садқа бўл.

Гоҳ безиб жабру жафосидан ёмон дейсан уни  
Яхши эрсанг, кел, азиз жоним, ямонга садқа бўл.

\* \* \*

Мен нечун севмай хаёлимни паришон этса ишқ,  
Кўксим узра заҳми ҳижронни намоён этса ишқ.

Не сабадан севмайинки йўлида жоним тикиб,  
Кўзларим ёшин равон, кўксимни пайхон этса ишқ,

Бу юрак шодланмасинми бир гўдак янглиг ахир,  
Ғамларимни кеча-кундузлар фаровон этса ишқ.

Изламайми роҳатимни май ила майхонадан,  
Ҳар куни Кўнгул деган Каъбамни вайрон этса ишқ.

Не сабаб шод бўлмайин ошиқ мақомига етиб,  
“Нун” этиб қаддимнию бағрим яна қон этса ишқ.

Битмайинму суйганимнинг шаънига шеъру газал,  
Сўзламайму дардларим, бундоқ сўхандон этса ишқ.

Эй Сулаймон, бундан ортиқ бир саодат бормикан,  
Мен фақир, бечорани эл ичра инсон этса ишқ.

\* \* \*

Юзингни анвари, эй моҳитобон  
Қилибдур жумла оламни чароғон.

Тушиб елканг уза сунбулларинг чун  
Ою юлдузларинг унда намоён.

Дудоғинг мадҳини булбул қилурким:  
“Нечун бу гунчани бағри қаро қон?”

Қадам қўйсанг чаманда инжа-инжа,  
Товуснинг рашк ўтидин кўнгли вайрон.

Лаб очсанг сўзга, дурлар сочадурсан,  
Ки, ҳар дона дуринг мулки Сулаймон.

Ики қошинг қарулгочнинг қаноти—  
Киби, чиний ипаклардан тўқулғон.

Солиб шўришу савдолар жамолинг  
Ҳама ошиқ элин мастона қилғон.

Чиройинг васфида байтлар битибдур  
Ўшала мастоналар ичра Сулаймон.

\* \* \*

Ҳаддим эмас сенга сўз айтмоқ,  
Яхшиси, мен сўйлайин тошга.  
Сен—қўқсимда портлаган чақмоқ,  
Севиш бошқа, севилмоқ бошқа.

Музлаб борар руҳим ва таним,  
Ночор боқиб сен— ҳур Куёшга.  
Не бўларди бир мен севганим...  
Севиш бошқа, севилмоқ бошқа.

На ҳаддим бор ва на ҳаққим бор,  
Не ҳам дердим сен—қаламқошга.  
Бу дунёда бир ҳақиқат бор:  
Севиш бошқа, севилмоқ бошқа.

\* \* \*

**Ниҳоят олимлар, Ой қачондир  
Ернинг узилиб кетган парчаси,  
деган хулосага келдилар.  
(Матбуот хабаридан)**

Эҳтимол шундайдир.  
Балки...  
Ҳар ҳолда,  
Бугун коинотни забт этди илм.  
Ой Ернинг парчаси бўлса фазода,  
Ҳеч шубҳа қилмайди фикратим, қалбим.

Мана, мени кўринг,  
Энг оддий мисол:  
Қаттиқ севиб қолган эдим бир қизни.  
Ва лекин нақд бўлиб турганда висол  
Тақдир жудо қилди ногаҳон бизни.

Ногаҳон ўт кетди жисму жонимга,  
Бир тўфон бошланди кўксимда гўё.  
Титроқ тушди эгим, устixonимга,  
Тўнқарилиб кетди бошимга дунё.

Бағримда нимадир кетди узилиб.  
Нима у?  
Қани у?  
Билмайман ҳамон.  
Ва лекин шуурим, манглайимда муз,  
Ҳамон Мажнуннамо—бехудман тамом.

Гоҳида қуёшга боқсам ложарам,  
Дафъатан вужудим кетади қақшаб.  
Ким билади дейсиз, Ой каби у ҳам  
Қалбимнинг парчаси бўлса не ажаб!?

Эҳтимол шундайдир,  
Балки...  
Ҳарқалай...

\* \* \*

Дилимни доғ этиб, дилдор, ёноғинг нори куйдирди,  
Ушал нордек ёноғингга дилимни зори куйдирди.  
Киши севса, бирор сўз айтгани сигмас экан ҳадди,  
Нетай, ошиқлигимнинг гоҳ уёти, ори куйдирди.  
Боқиб зимдан юзингга яйрамасдин ўзга чорам йўқ,  
Кўнгилни сенга ошкор бўлмаган асрори куйдирди.  
Анинг-чун ложарам менга боқарсан тошга боққандек,  
Ки, менга беписанд боқмоқлигинг ошкори куйдирди.  
Кўчамдан ўтасан такрору такрор ишвалар бирла,  
Мени бу ишвалар такрори-ю такрори куйдирди.  
Оқарди сочларим, жоно, жамолингга етарман, деб,  
Баҳорни кўрмаган боғим аёзи, қори куйдирди.  
Бу кўнгул торларини чертганимдан не самар энди,  
Юроким созининг бир-бир узулган тори куйдирди.  
Суюб орттирганим бошга жафолардир, анинг-чунким,  
Демасларму, Сулаймонни суюкли ёри куйдирди.

\* \* \*

Гулим, мен баҳоринг бўлсайдим,  
Гуллар тутган ёринг бўлсайдим.  
Истасанг ўсмалар, сурмалар,  
Сенинг хос атторинг бўлсайдим.  
Ишқимиз куйласанг мастона,  
Тилингга алёринг бўлсайдим.  
Сирларинг тумордай асрасам,  
Бағрингда асроринг бўлсайдим.  
Толиқсанг, толсанг ишқ йўлида,  
Суянчинг, мадоринг бўлсайдим.  
Чорласанг қулим деб, келгин деб,  
Чокаринг— дастёринг бўлсайдим.  
Ёлғиз сен ҳушимни олгансан,  
Ёлғиз мен хушторинг бўлсайдим.  
Бўлсайдинг сен менинг дилдорим,  
Сулаймонинг—ёринг бўлсайдим.



### III. БИР ТОЛА НУР

#### Тўртликлар

Фақирнинг бошини силарми ганий,  
Силаса, бунда ҳам бордир бир маъни.  
Дунёда ҳодисот йўқдир бесабаб,  
Сабабсиз ҳодисот кўрганнинг қани?

\* \* \*

Холингни сенинг дўсту ҳабиб билмадиму,  
Дўстлар сени бир дўст каби билмадиму,  
Дардингга даво тилама ҳаргиз андин-  
Ки, дардингни сенинг табиб билмадиму.

\* \* \*

Қовушмас дарёнинг икки қирғоғи,  
Нега бир ён чаман, чўлдир бир ёғи?  
Фалакнинг иши бу: азал ва абад  
Фақат сўроғи бор, фақат сўроғи.

\* \* \*

Душманнинг кўнглини овламоқ асли  
Дўстингга душманлик билан баробар.  
Унутма қадимдан қолган мақолни:  
Ёмон ит аввал ўз эгасин қолар.

\* \* \*

Эшиттим, қартайган бир бечора чол  
Йиғлаб айтар эди арзу додини:  
Беваларга шафқат қилмаса эркак,  
Бевадир унинг ҳам, демак, хотини.  
/Шайх САЪДИЙдан/

\* \* \*

Устун бўламизми бизлар жаҳонга—  
Дея минг жафолар қиламиз жонга.  
Оқшом ётарканмиз, ўйладикми ҳеч,  
Ета оламизми уйғониб тонгга?

\* \* \*

Қалбим даричасин чертмагин, эй ғам,  
Муродингга асло етмагин эй ғам.  
Суйган ёрим сени йўлаган бўлса  
Унда шошмай тургин, кетмагин эй ғам.

\* \* \*

Гоҳида мағрурман, гоҳ қадди долман,  
Гоҳида лоқайду гоҳида лолман.  
Бундан кимга зиён, кимга не фоида:  
Дунёга бир келиб кетар шамолман.

\* \* \*

Кўксинг губорлардан ҳур бўлсин, болам,  
Қароқларинг тўла нур бўсин, болам.  
Тупроқдай фақир бўл, найзадай адл,  
Тупроқ деб олганинг дур бўлсин, болам.

\* \* \*

Менинг сўзларим оз сенга айтгулик,  
Менинг давлатим оз сенга етгулик.  
Менинг фақиргина ёлғиз жоним бор.  
Севгилим, садағанг бўлиб кетгулик...

\* \* \*

Жон сени севдию парвона бўлди,  
Бу иш олам аро афсона бўлди.  
Агар олам менга ғамхона бўлди—  
Шу офтоб жамолинг баҳона бўлди.

\* \* \*

Қайда мен суйган малак,  
                    қайда жону жаҳоним,  
Қайда ул нозли хилқат,  
                    қайда дурри ниҳоним.  
Нечун нола чекарсан,  
                    деб менга таъна қилманг,  
Нола қилмай бўлурми  
                    най бўлса жисму жоним?

\* \* \*

Шамол ҳамласидан титрайди дарахт,  
Қасирға тоғларни қулатар гўё.  
Сен ҳали оҳимдан беҳабардирсан,  
Оҳимдан эҳтиёт бўлгин, эй дунё!

\* \* \*

### /Туюқ/

Мен учун жондан азиз, эй она, сиз,  
Бебаҳо дурлар аро дурдона сиз.  
Гавҳару дурсиз умр ўтгай, бироқ  
Қолмасин ҳеч кимса ҳаргиз онасиз.

\* \* \*

Кўлингда на қамчи, на белда камар,  
Яна от минибсан. Бундан не самар:  
От жавлон урмаса, яна ўзинг ҳам  
Борар манзилингни билмасанг агар?

\* \* \*

Бу йўл эгри дейсан, унисин чўнқир,  
Сенга қолса текис йўл ҳам ўру қир.  
Йўл танлаб орқада қолиб кетасан,  
Эплаб юролмасанг нолиб нетасан?

\* \* \*

Менга бурни билан боқар бир одам,  
Демак жойидамас унда ҳаммаси:  
Демак, энсасида юраги унинг,  
Юраги ўрнида, демак, энсаси.

\* \* \*

Мен кўрқмайман унинг рўдапосидан,  
Тошга ёққан ёмғир каби сўзлари.  
Менга ваҳимали амали бир пул,  
Мени кўрқитади унинг... кўзлари.

\* \* \*

Дўстимга дедимки, дўст бўлсанг агар  
Менга сирларингни айтма бу саҳар.  
Мен қамиш, сен эса бўлма сартарош,  
Ахир ўртамизда бордир Искандар.

\* \* \*

Менга қафасдаги бийрон тўтидан  
Ўзин ўтга урган самандар яхши.  
Бир йўл изламаган, адашмагандан  
Йўл излаб адашган, қаландар яхши.

\* \* \*

Тонгда йўлларингга интизор бўлдим,  
Оқшом ғамларингга гирифтор бўлдим.  
Келмадинг, олтиним, кумушим, зарим,  
Наҳотки беҳуда харидор бўлдим?

\* \* \*

Эй жон, ғийбатларга солурсан қулоқ,  
Лек ўзни ғийбатчи билмассан мутлоқ.  
Ажратиб бўлурми—тиниқ қай бири  
Лойқа ариқ билан бирлашса булоқ?

\* \* \*

Паҳлавон курашда чиқдию ғолиб,  
Мукофот беринг деб бундан кетмади.  
У ҳатто ўзидан зўрни енгди, лек  
Ўзини енгишга кучи етмади.

\* \* \*

Ранг кўриб ҳолимни сўрадингми сен?  
Сўз билан дардимни кўридингми сен?

Назар сол фалакка, оҳим ўрлашур,  
Шул қадар улкан ул, кўрмадингни сен?

Дўстимга дедимки, ўзинг яхшисан,  
Йилда бир келсанг ҳам ўзинг яхшисан.  
Ётнинг яхшилиги миннатли бўлур,  
Ёмонлик қилсанг ҳам ўзинг яхшисан.

Дўстимга дедимки, эй дўст, тинглагил,  
Менинг душманимни дўст деб билмагил.  
Дўст ишин қилмасанг қилмагин, аммо  
Душманнинг ишини менга қилмагил.

Бўй чўзиб қайга ҳам кетар экансан,  
Ойга ё Куёшга етармикансан?  
Гердайганинг билан, эй кунгабоқар,  
Барибир бошингни эгар экансан.

### /Туюқ/

Қадинг сарви хиромону лабинг — гул,  
На бўлса бундин авлороқ — лабинг ул.  
Тилармен бўса гулдан, қил синоат,  
Муҳайё айлайин — не матлабинг ул?

Нур бўлдик ё нур бўлмадик,  
Хур бўлдик ё хур бўлмадик,  
Нима бўлсак-бўлдик, аммо  
Ҳеч кимсага қул бўлмадик

Денгиз соҳилидан ўтганинг замон.  
Тўлқин изларингни ювар ўшал он.  
Ҳаёт денгизининг соҳилида лек  
Сендан бирорта из қолдим, инсон?

Бир сеники эмас бу чаман,  
Бир сеники эмас бу гулзор  
Бир меники эмас бу турбат,  
Бир меники эмас бу... мозор.

Кўзимга боқиб кул, кулмоқчи бўлсанг,  
Кулсанг, сиртдан эмас, кулгин ботиндан.  
Юзимга боқиб кул агар дўст бўлсанг,  
Дўст бўлсанг йиглаб қол фақат ортимдан.

\* \* \*

Сочимга оқ тушди.

Наҳот бу ёмон?

На чора, айланиб тургай бу замон.

Ёшлигим -ку қайтиб келмайди энди.,

Аммо унинг завқи кўксимда ҳамон.

\* \* \*

Сенсиз оқарса тонгим, тонгдан не самар менга,

Сенсиз ўтган ҳар лаҳза—ондан не самар менга.

Дейсанки: “Эй, шуқр қил, жонинг фойдага қолмиш”,

Гар ёнимда бўлмасанг, жондан не самар менга.

\* \* \*

Еттинчи фалакдан келмагин менга,

Унда ўзга мулку ўзгадир эга.

Аввалим тупроқдир. охиратим ҳам,

Тупроқ бўлгин дегим келади сенга.

\* \* \*

Кўлмакнинг бетида ойнинг жилваси,

Балки бу фалакнинг ўйин-ҳийласи.

Азизим, ваъданга ўхшатдим уни,

Кўлмак қуриганда қолар нимаси?

\* \* \*

Ватан, деб ёнган бу бир сен эмассен,

Жон олиб, жон берган бир сен эмассен.

Катта пойгадаги қашқасан, холос,

Улоққа етолган бир сен эмассен.

\* \* \*

Янтоқ керак бўлса туяга агар,

Дейдиларки, туя бўйнини чўзар.

Туя-ку бўйнини чўзади, бироқ,

Ахир қани ўша сиз айтган янтоқ?

\* \* \*

Дунёни гўзаллик қутқарар, бироқ,

Унга эга чиқар иблислар кўпроқ:

Майсанинг юзини ювганда шудринг

Дайди шамол келиб сочгандай тупроқ.

\* \* \*

Чала қолган шеър-бу синиқ кўзадир.

Тузатсанг рангию шакли ўзгадир.

Мазмунни тушунмай қофия гаранг,

Туроку вазннинг ҳолига қаранг.

\* \* \*

Ҳаммага баробар олам минбари—

Ҳаммага баробар офтоб сингари.

Не хуш унга чиқса агар нуктадон,  
Нодон чиқса агар—сафсата бари.

\* \* \*

Бигта кемадамиз, бир ер, бир осмон,  
Қаён кетмоқдамиз, бу қандай замон?  
Сен билан бир эмас аммо бу жоним,  
Бошқа йўл излайман ўзимга ҳамон.

\* \* \*

Қуралайми, бўтакўз—ўзимники яшидир,  
Юмшоқми ё дағалсўз—ўзимники яхшидир.  
Урса—ун оши дейман, сўкса—сўк оши дейман,  
Сўзлари бўлса ҳам муз—ўзимники яхшидир.

\* \* \*

Шундай ҳарорат бор менинг кўксимда,  
“Оҳ” десам эрийди Шимолий кутб.  
Аммо илинж билан боқиб кўзингга  
Турибман, бир чимдим ҳарорат кутиб.

\* \* \*

Умр—оқар дарё, оқар-да кетар,  
Манзилга етмас у ва ёки етар.  
Бахт нима? Билингки, умр деган ВАҚТ  
Бесамар ўтмаса—шунинг ўзи бахт.

\* \* \*

Барча сувлар пастга қараб ўрмалайди,  
Минг сакраса, баланд тоғдан ошиб ўтмас.  
Оқил киши бойлардан мол сўрамайди,  
Бой қозони қайнаса ҳам тошиб кетмас...

\* \* \*

Фалат бир маконга келиб қолибман,  
Зиндон ҳам бу қадар бўлмагайдир тор.  
Қўлимда чироғу, ёқайин десам,  
На гугурт топилар, на чақмоқтош бор.

\* \* \*

Элнинг орасида қаддин ғоз тутиб,  
“Аканг—чинор!”-дея юрганлар кўпдир.  
Чинорнинг, ҳеч йўқса, бордир сояси,  
Аммо бундайларда соя ҳам йўқдир.

\* \* \*

Дейдилар: “Букрини тузатади гўр”  
Бу жумбоқ олдида бошлар эгилар.  
Дўстим, манов қалби эгриларни кўр,  
Қайда тузаларкан қалби эгрилар?

\* \* \*

Эски душманингнияна дўст тутма,  
Яхшилиқ қилгину яхшилиқ кутма.  
Куриб қолган янтоқ зирапчалари  
Найза бўлишини асло унутма.

\* \* \*

Бошингдан сочганим гул бўлса— не тонг.  
Шоҳ эсанг, Сулаймон қул бўлса— не тонг.  
Фақат сен яшна, деб бу жисму жоним  
Ёниб адо бўлса, қул бўлса— не тонг.

\* \* \*

Ёйсам— еру кўкни қучар қулочим,  
Минг бир илождан ҳам кўпдир иложим.  
Барибир шу илож, шу имкон билан  
Қоматим эгилди, оқарди сочим.



— Мана, етиб келдик,  
Мана, ниҳоят...  
Ўзи мадад берди, Худога-шукур.  
Руҳ ила танзимиз яйради юят,  
Бир сўлиш оламиз оҳиста, чуқур.

Сув тинган жойида сингади ерга,  
Камон эгилмаса учмайди пайкон.  
Нега тўхтаб қолдик, азизим, нега,  
Тин олганинг етар,  
Қимирла, эй жон!

Биз ҳам бир дарёмиз,  
Оқмоғимиз— шарт,  
Бизлар ҳам камондан отилган бир ўқ.  
Бизгамас бу роҳат манзили— бекат,  
Биз чиққан бу йўлнинг ҳеч охири йўқ!



## МУНДАРИЖА:

Ўзбегим	3	Болам не билсин	42
Ватанга қасида	6	Эллик ёш шеъри	42
“Гулгун саҳар”	8	“Кунларни санайман	45
Ҳаёт	9	Кўксимни армонлар	45
Жавоб	10	Шариф Нурхон	46
Баҳодурдин Балогардон	12	Шоир уста ва	47
Туркийлар	13	Юрак	48
“Онагинам анҳор”	16	Ҳолат	48
Чулпон	17	Ёмғир ёғар	48
“Оллоҳдан насибам”	18	Баҳор	49
“Биз илдим	18	“Кимга вафро қилибди”	50
“Фалакни кўзласанг”	19	“Айро тушса”	51
“Мен тонглар”	20	“Сен мени чорладинг	52
“Осмон баланд”	21	Тулки	52
“Худо сенга уйқуни”	21	“Иўқотиб кўяман”	53
“Менинг душманим йўқ”	22	Қоға денгиз	53
“Мени уялтирди”	22	Онлар	53
Миёнқўл манзараси	22	Шоир бўлинг	54
“Бахт нимадир”	23	Есенин. 1925 й.	57
Умр	24	Хонадон	57
Савол	24	Жудалик	58
“Булбулнинг номидан”	25	“Мани, эй ёлғиз Оллоҳим”	59
Илжио	25	“Қурқма кўч(я)к”	60
“Кўҳна бешикдир”	26	Қафасдаги арслон	60
“Далли дунё”	27	Нақадар бахтлисан	61
“Юлдуз бўлсак”	27	Ирмоқлар	61
“Кўнгил сирлари”	28	Бухоро	62
Қишлоғим	28	“Гул излаб”	62
Ҳаёт уммони	30	Видо!	63
“Зоғлар макони”	31	Марг	63
Ел қаби	31	“Бу тонг ўзгачадир”	64
“Оламни яшнатиб”	32	Ким билибди	64
“Улар битта гапни”	32	“Беш кўнлик бу”	65
“Равон бўлса эди”	32	Ким айтди	66
Абу Жаҳл	33	Янги ой чиққан кеча	67
Фаройиб шаҳар	34	“У кун сенга”	67
Қаён кетасан	35	Энди сенга	68
“Бу дунё қўшиқсиз”	36	Армонли қиз	68
“Олма қачон пишар”	36	Сўнгги учрашув	69
Кўзги япроқ	37	“Зангор эди”	70
Собира опам шеъри	37	“Кўзларинг ҳайратли”	71
“Даврон утиб”	38	“Ҳайр, кетай”	71
Дунёнинг сабр косаси	39	“Ҳамон тушларимда”	72
Кеча ким эдим	40		
Бошқоқ	41		

“Ташқарида ёмғир”	72	“Мени қутма”	87
“Буронлардан”	73	“Сенга ғазал ёздим”	88
“Бедовимни тақаладим”	74	“Не утсан, не”	88
“Муҳаббат йуқ”	74	“Жонона деб”	89
Нилўфиз гули	75	“Сўзларингни кўзимга”	89
“Сени еру кўкка”	75	Елғизаёл	90
“Надир ул бошга”	76	“Қишда бодом”	90
“Қоматинг бунчалар”	76	“Гуллар тўшаб”	91
“Етиб бормас”	77	“Менинг ҳам лабимга”	92
“Кунглимининг тубидан”	77	Армон	92
“Мен сендан”	78	“Гарчи йиллар ўтди”	93
“Жонимни, эй дустлар”	78	Лаҳза	93
“Кунлар илиб”	79	“Қай кун, қайси”	94
“Мен бугун туғилдим”	79	“Нетарсан ўсмани”	95
Гулсара	80	“Нигоро, бир тараҳҳум”	95
“Эй гул япроғидан”	81	“Эй азиз жон”	96
100 алоқа бўлими	81	“Мен нечун севмай”	96
“Бир кўрдим”	82	“Юзингни анбари”	97
Аёл ҳақиди	83	“Хаддим эмас”	97
“Енгоқ кўрдим”	84	“Эҳтимол шундайдир”	98
“Еноқлар лолақизгалдоқ”	84	“Дилимни доғ этиб”	99
“Қайси чамандан”	85	“Гулим, мен баҳорни”	99
“Ер гулшан аро”	86	“Фақирнинг бошин”	100
“Ой чиқмади бу”	86		

## Сулаймон ШОДИЕВ

### ОРЗУ БЕКАТИ

(Шеърлар)

Муҳаррир: - **Садриддин Салим БУХОРИЙ.**

Рассом: - **Мирзохид ШОДИЕВ.**

Техник муҳаррир: - **Ўткир ИБОДУЛЛАЕВ.**

Мусаҳҳиҳ ва компьютер

дастурчиси: - **Латофат ШОДИЕВА.**

Теришга берилди 2.01.2006 йил. Босишга рухсат этилди  
23.01.2006 йил. Бичими 1/16. 60x90. Газета қоғози. Шартли  
босма табоғи 6,75. Адади 2000 нусха. Буюртма № 226.  
“Бухоро вилоят босмаҳонаси” МЧЖ. И.Мўминов кўчаси—27.